

ИНСОННИ ЎРГАНИШ ИЛМИ

t.me/armkutubxonasi

Кафъдаги сирлар
ёхуд

ХИРОМАНТИЯ

ҲАЁТ, СЕВГИ, БАХТ, БОЙЛИК, КЕЛАЖАҚ,
ФЕЪЛ-АТВОРИ АНИҚЛАШ ИЛМИ
МУЎЖИЗАЛАРИ



ҲАММА ЗАМОНЛАР ФОЛИ

Инсонни ўрганиш илми

КАФТДАГИ СИРЛАР ЁХУД ХИРОМАНТИЯ

ҲАЁТ, СЕВГИ, БАХТ,
БОЙЛИК, КЕЛАЖАК, ФЕЪЛ-АТВОРНИ АНИҚЛАШ
ИЛМИ МУЎЖИЗАЛАРИ

ҚАЙТА НАШР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2013

УЎК: 821.512.133

КБК: 86.42

К – 53

Кафтдаги сирлар ёхуд хиромантия. (Нашрга тайёрловчи ва тузувчи муаллифлар: А.Ашуров, Э.Қилич.) –Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 96 б.

ISBN 978-9943-08-963-1

Инсон учун ўз келажагини билиш мароқли туюлади, кафтга қараб фол очиш – хиромантия илми қадим замондан бу борада инсониятга ёрдам бериб келган. Хиромантия астрологияга, мантиққа ва фактларни таққослашга таянади. Пировардида кафтдаги барча белгилар, бу – огоҳлантириш, холос.

Ушбу китоб касбимиз билан боғлиқ жиддий тадқиқот маҳсули эмас. Аксинча, ундан жой олган ахборотлар барча даврларда машҳур бўлган хиромантия илмининг энг таниқли вакиллари асарларидан келтирилган.

Китобдаги мавзуларнинг ҳар бири оммабоп тилда батафсил баён этилган бўлиб, қўлга қараб фол очиш илмини ўрганишни, ўз келажагини билишни хоҳловчилар учун тайёр ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

УЎК: 821.512.133

КБК : 6.42

Нашрга тайёрловчи ва тузувчи муаллифлар:

Акбарали АШУРОВ,
Эргаш ҚИЛИЧ

Мазкур китоб юзасидан билдирадиган фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги электрон манзилга юборишларингизни сўраймиз: yangiasravlodi@mail.ru

ISBN 978-9943-08-963-1

© «Кафтдаги сирлар ёхуд хиромантия». Қайта нашр.

«Янги аср авлоди». 2013 йил

СЎЗ БОШИ

“Юз газабдан буришди – қўллар муштга сиқилди. Одам ҳаяжондан оқариб кетди, пешонасида тер пайдо бўлди ва қўллар шу заҳоти ниманидир асабий тортқилаб, сочларни тўғрилай бошлади”.

Бундай мисоллар ниҳоятда кўп. Одатда инсоннинг бошидан кечираётган ҳис-туйғулари амалда ҳар доим унинг юзида акс этади. Лекин имо-ишоралар ҳам кам ифодали бўлмайди. Қўлларнинг шакли, чизиқлари, чизиқчалари ва капиллярлар тузилишига қараб одам ҳақида кўп нарсани билиб олиш мумкин. Сизнинг кафтингиздаги чизиқлар шахсиятингизни намоён қилади. Улар соғ-носоғлик, феъл-атвор, одатлар ва мойилликлар ҳақида сўзлаб бериши, шунингдек, тақдирни башорат қилишга ёрдам бериши мумкин.

Инсон шахсий ҳаётини ўзи яратади, башорат эса бунга ёрдам берувчи усуллардан биттаси, холос. Башорат қилишнинг йигирмага яқин турлари мавжуд. Барча замонларда кенг қўлланган ва башоратчиликнинг асосий йўналишлари ҳисобланмиш астрология, физиогномика ва хиромантия уларнинг энг машҳурлари ҳисобланади. Булардан амалиётда тажрибали мутахассис ҳам, эндигина киришган киши ҳам ҳеч бир қийинчиликсиз фойдаланиши мумкин.

«Хиромантия» грекча сўз бўлиб, **chcir** – **қўл** ва **manteir** – **фол очии, башорат** маъноларини англатади. Мазкур илм одамнинг индивидуал хусусиятлари, унинг ўтмиши ва келажаги ҳақида фол очишнинг энг қадимий тармоқларидан биридир. Хиромантияни қадимги ҳиндлар, халдейлар (милоддан аввалги VII асрда Янги Бобил давлатини ташкил этган сомийлар қабиласи), яҳудийлар, греклар, римликлар билишар ва

қўллашарди. XVI–XVIII асрларда Европанинг қўплаб олий ўқув юртларида, ҳаттоки махсус хиромантия кафедраси мавжуд бўлган.

Ушбу соҳа тадқиқотчилари мазкур илмнинг узоқ асрлар давомида муомалада эканлиги ва такомиллашиб келаётганини ҳисобга олиб, у ғоят аниқ ва асосли қоидаларга эга деб ҳисоблашади. Унинг асослари минг йиллар муқаддам таърифланган, ўрта аср хиромантлари ҳам унга талайгина янгиликлар киритганлар. Бу мавзуга оид биринчи нашр этилган илмий асар («Хиромантия санъати», 1448 йил) муаллифи немис миллатига мансуб Йоханн Гартлиба ҳисобланади. Кокле томонидан ёзилган бошқа ажойиб китоб эса 1504 йилда чиққан. Кейинги асрларда француз, немис ва италиян тилларида ҳам қўплаб китоблар чоп этилди.

Шундан сўнг салкам икки аср мобайнида, токи иккита ғайратли тадқиқодчи XIX асрнинг ўрталарида уни тикламагунча, қўлга қараб фол очишга қизиқиш пасайди. Улар Д'Арпентини ва Дебаролл эди. Биринчиси асосан хирогномия билан шуғулланган бўлса; иккинчиси эса замонавий фолбинликка асос солди.

Фол очишнинг ушбу тармоғи қўпинча астрологияга боғлиқ ҳолда иш кўради: ҳар бир бармоқ маълум бир сайёранинг таъсирига бўйсунди, деб ҳисобланади, қўллар дўнгликлари эса Қуёш, Зухра (Венера), Юпитер, Сатурн, Меркурий, Марс (Миррих) ва Ой номлари билан аталади.

Хиромантия ёлгон ва уйдирмалардан анча йироқ. У қўпинча мантиқ ва далилларни таққослашга таянади. Тарихчи қадимий буюмларни ўрганиб, узоқ аждодларимиз қандай яшаганларини айтиб бериши мумкин. Метеорология мутахассиси табиат ҳодисаси, мавсумий ҳарорат ўзгариши, булутлар шакли ва бошқа қўплаб ҳолатларни ўрганиб, об-ҳавони узоқ муддатга башорат қилиши мумкин. Ва ҳеч ким бу одамларнинг жиддий илмий иш билан шуғулланаётганига шубҳа билдирмайди. Қўплаб мутахассислар, хиромантиянинг тўғрилигига ҳам шубҳа қилмаслик керак, деб ҳисоблашади. Тажрибали, ўйлаб иш қилувчи хиромант қўл

шакли ва нақшини ўрганади, тадқиқ қилинган вариантлар билан солиштиради ва мантиқ ҳамда соғлом идрокка таяниб хулоса чиқаради: у ёки бу одамнинг ҳаёти қандай бўлиши мумкинлигини олдиндан айтиб беради.

Астрология каби хиромантия ҳам узоқ вақт қувғинликда, хўрликда бўлди, ҳеч бир олим унинг хулосаларига ишонишни ёки унга умуман жиддий муносабатда мойил эканлигини омма олдида эътироф эта олмасди. Лекин фикрлар аста-секин ўзгариб борди. Масалан, Манчестер Фан ва технологиялар университети мутахассислари қизиқарли тадқиқотлар ўтказишди ва қўл чизиқларига қараб инсоннинг ақлий ривожланиш даражаси ҳақида етарли даражада аниқ фикр билдириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишди. Ҳар хил ақлий ривожланиш коэффициенти (АРК)ли одамларда кафтдаги чизиқларнинг сони, чуқурлиги ва расмлари ниҳоятда турлича бўлиб чиқди. Олимларнинг фаразига кўра, қўл чизиқлари она қорнидалигидаёқ шаклланади, демак, янги туғилган чақалоқ қўлига қараб унинг қобилиятлари нишонларини аниқлаш ва ижобий сифатларини ривожлантириш ва салбийларини йўқ қилиш ёки ҳеч бўлмаса камайтириш учун тарбияни қандай шакллантириш мумкинлиги ҳақида қарорга келиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, хиромантия ёрдамида унинг саломатлигини аниқлаш, беморга қандай касаллик хавф солишини осон билиб олиш мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, бундай амалиёт келгусида талай кўнгилсизликларни олдиндан бартараф этишга ёрдам беради.

Тажрибали хиромант барини ҳисобга олади: бармоқлар шаклини ҳам, уларнинг узунлигини ҳам, кафтнинг ҳамма ёғини тўлдирган чизиқларни ҳам, барча нотекисликларни (дўнгликлар) ҳам, қўл тури ва башорат қилинаётган одамнинг жинси ва ёшини ҳам. Албатта, унинг хулосалари – ҳукм эмас, чунки ирода кучи, қатъийлик, таълим, маълум бир малакалар, касалликлар ва тақдир зарбаларига қаршилик кўрсата олиш ҳар қандай башоратни бутунлай ўзгартириб

юбориши мумкин. Лекин «Эҳтиёт – ярим ҳаёт». Ҳаёт йўлида сизни фалокатлар пойлаб турганини билсангиз, уларни енгиб ўтишингиз ёки уларга чап беришингиз осон кечади.

Хиромантияга нисбатан жиддий муносабатда бўлинмаса ва унга унчалик ишонилмаса ҳам, барибир у билан шуғулланиш қизиқарли ҳамда уни мароқли вақт ўтказиш деб тавсия этиш мумкин.

ҚЎЛЛАР СИЗНИНГ КИМЛИГИНГИЗНИ «АЙТАДИ»

Кафтлар. Ҳалоллик ва ошкоралик

Қадимдан очиқ кафт самимийликни, ҳалолликни, содиқликни ва ишонувчанликни эслатган. Қасамлар одатда кафтни юракка қўйиб ичилади: кўрсатма бераётган вақтда судда очиқ кафтли қўл кўтарилади. Муқаддас китоб чап қўлда ушланади, ўнг қўл эса суд аъзолари кўришлари учун юқорига кўтарилади.

Кундалик ҳаётда одамлар кафтнинг икки хил ҳолатини ишлатадилар. Биринчиси – қўл қайиқчадай узатилади ва садақа сўраётган гадой ишорасини англайди. Иккинчи ҳолат – кафт пастга қараб очилган ва бу тўхтатувчи ёки тинчлантирувчи ишора.

Суҳбатдошнинг сиз билан айна пайтда самимий, ҳалол ёки аксинча эканлигини билишнинг энг яхши усули – бу унинг кафтлари ҳолатини кузатишдир. Яъни, сиз билан самимий бўла бошлаганда, одатда суҳбатдош олдида кафтларини тўлиқ ёки қисман очайди. Тана ҳаракати тилининг бошқа ишоралари каби бу ҳам беихтиёр ишора, у сизга суҳбатдошингиз айна пайтда ҳақиқатни гапирётганини билдиради. Бола алдаётганида ёки ниманидир бекитаётганда, қўлини орқасига яширади. Шунга ўхшаш агар хотин бирор ишни эридан яширмоқчи бўлса, у ўзини оқлаётган пайтда қўлларини чўнтагига бекитади ёки чалиштириб олади. Шундай қилиб, бекитилган кафтлар эрига у ёлғон гапирётганини “айтиб беради”, аниқроғи, фош қилади.

Очиқ кафтлар ва ёлғон

Агар сиз сурбетларча ёлғон гапирсангиз ва бунда кафтларингиз очиқ бўлса ҳам барибир сизда ҳақиқатни гапирётган одамга хос ишоралар етишмайди, лекин ёлғон гапирувчи одамни кўрсатиб турувчи салбий ишоралар сезилиб туради; буларнинг ҳаммаси сизнинг очиқ кафтларингиз билан уйғунлашмайди.

Сизнинг очик кафтларингиз суҳбатдошингизни сиз билан ишонувчан ва самимий бўлишга рағбатлантиради.

Кафт кучи

Камроқ сезиладиган ва, шу билан бирга, муҳим сўзсиз сигналлардан бири, бу – одам кафти юборадиган сигналдир. Агар кафт кучи тўғри ишлатилса, у одамга кўпроқ обрў қозониш ва бошқаларга буйруқ бериш имконини яратади.

Кафтнинг учта асосий буйруқ ишораси мавжуд: кафтнинг юқорига қаратилган ва пастга қаратилган ҳолати ҳамда кўрсаткич бармоқ ҳолати. Қўллар ҳолатига қараб инсон хатти-ҳаракатларининг маъноси ўзгариб туради.

Агар **кафтлар юқорига қараб очик бўлса**, бу ҳолат нимадир талаб қилганликни билдиради (тиланчиларнинг сизга қараб чўзилган қўллари эсланг): ростланган кафтлар пастдан олдинга ва тепага ҳаракатланганда, гавданинг юқори қисми ва бош хиёл пасаяди. Тана ҳолати ва имо-ишоранинг ўзгаришига қараб хатти-ҳаракатнинг жуда кўп хиллари юзага келади: қўрқувдан то матонатгача.

Кафт пастга қаратилганда, сизнинг ишорангизда дарҳол раҳбарлик аломати пайдо бўлади.

Бармоқлар муштга сиқилган ва олдинга чиқарилган кўрсаткич бармоқ билан бирга бутун кўриниш одамни бўйсунтиришга мажбур қилувчи тўқмоққа ўхшаб кетади. «Кўрсаткич бармоқ» ишораси одам нутқида фойдаланадиган энг асабга тегадиганлардан биридир, айниқса агар у айтилган сўзлар билан мазмунан мос келса. Агар сизда бармоқ билан кўрсатиш одати бўлса, кафт ҳолатини юқорига қаратиб бу ишорани алмаштиришга ҳаракат қилинг ва сиз бошқалар билан бўладиган муносабатларда катта ютуқларга эришганингизни кўрасиз.

Панжанинг очик ҳолати ниманидир айтиш, намойиш этиш истагини, ортиқ кўнглида сақлаб турол-

масликни билдиради. Шунингдек, беқарорликнинг ҳам белгисидир. Очиқ панжалар бўшашган қўллар ва туширилган елка билан биргаликда умидсизлик, мушкул аҳволда қолганлик тўғрисида таассурот қолдиради.

Қўллар ниманидир олаётган ёки ҳаракат шу тарзда йўналган бўлса, қизиқувчанлик, имкониятни қўлдан бой бермаслик ҳамда моддий ўзлаштириш фикридан дарак беради (баъзида бахиллик белгиси ҳамдир).

Қўлларни орқага қўйиш ҳеч кимнинг тинчини бузишни истамасликни билдиради. Босиқлик билан ниманидир кутаётганликнинг ҳам белгиси. Қўлни орқага қилиб сиз қанчадир вақт ёки умуман дунё ташвишларини унутмоқчисиз. Бу ҳаракат ғалаён, қўрқоқлик, мушкул аҳволда қолганликни билдиради. Ушбу ҳолат узоқ вақт давом этиши одатда босиқ, бўшанг, кузатувчан одамларда кузатилади. Агар, аксинча қисқа вақт давом этса, ҳаракатчан одамнинг бир зум хаёлга толганлигини ёки қисқа муддат уятда қолганини англатади. Шунингдек, мазкур ҳолат ўзига ишонувчан, бошқалардан афзаллигини билиб турувчи кишининг кутиш ҳолатидир.

ҚЎЛ БЎЙЛАБ ҚИСҚА «САЁХАТ»

Қўл турлари

Қўлларни бир-биридан фарқ қиладиган турларга бўлишнинг бир неча хиллари мавжуд, лекин хироман-тлар кўпроқ етти турини ажаратадилар: оддий, курак-симон (актив), артистик (конуссимон), амалий (тўртбурчаксимон), файласуфона (сертугун), руҳий (маънавий) ва аралаш қўл.

Оддий қўл (1-расм)

Шакли:

- йўғон, қаттиқ, оғир қисқа бармоқларга эга;
- қисқа, эгри шаклли бош бармоқли (бош бармоқ кўрсаткич бармоқ асосига зўрға етади);
- семиз, қаттиқ, тўртбурчак (квадрат) шаклли кафт-га эга;
- бармоқларнинг учи бир хил бўлмаган, нотекис;
- қўпол ва қаттиқ тери ли қўл.

Характер хусусиятлари:

Уларда шавқ-завқ ва тасаввур қилиш қобилияти кучсиз; табиий эҳтиёжлардан ташқари ҳамма нарсага лоқайд. Фазаблансалар, тош юрак ва бераҳм бўлиб кетадилар. Одатда бундай қўлли одамлар ниҳоятда чекланган бўлади, уларда ҳайвоний инстинк-тлар устунлик қилади. Улар ирим-сиримларга ишо-надиган ва ўта диндор бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, улар кўпинча оғир руҳий кайфиятда бўла-дилар ва мадад, таскин беришга муҳтож кишилар-дир.

Касби:

Бундай қўл соҳиблари асосан қора ишчи, боксчи ва курашчи бўлиб етишади.

Кураксимон (фаол) қўл (2-расм)

Шакли:

- каттароқ кўринадиган бош бармоқли;
- одатда йирик, анча йўғон бармоқлари бор;



1-расм. Оддий қўл.



2-расм. Кураксимон
(актив) қўл.

- бармоқларнинг юқори бўғинлари худди пачоқлангандай;
- бармоқларнинг олдинги бўғинлари кураксимон шакли;
- кафтнинг остки қисми ёки юқори бармоқларга томон тораётган қисми жуда кенг;
- юмшоқ ва сўлиган, ёки қаттиқ ва қўпол тери қўл.

Характер хусусиятлари:

Меҳр-муҳаббатли ва бошқаларга ўхшамайдиган, ихтирочи ва новатор, тиниб-тинчимас ва серҳаяжон, фаол ва мақсади сари курашувчан, ғайратли, жасур, ҳаракатчан ва эпчил. Бундай қўл соҳиблари анчайин ишбилармон бўлиб, ишлашни яхши кўрадилар, фаросатли, ҳис-туйғуларига содиқ ва вафодор, уларда бурч туйғуси кучли ривожланган. Шундай мулоҳазакорлиги билан бирга улар қулайлик ва шинамлиликни хуш кўрадилар.


Касби:

Бундай қўл эгалари ҳунарманд, уста, кашфиётчи, тадқиқодчи, штурман, учувчи, космонавт ва муҳандислар ҳисобланади.

Артистик (конуссимон) қўл (3 а ва 3 б расмлар)

Шакли:

- текис бармоқлар;



За-расм ва 36-расм. Артистик (конуссимон) қўл.

- ғадир-будур тирноқлар;
- кенг, семиз ва катта кафт;
- йирик бош бармоқли қўл.

Характер хусусиятлари:

Ижод қилишга қодир, шароитга мослаша олиш қобилиятига эга, кескин характерли, сахий, етук интуиция (тажриба ёрдамидан ташқари бевосита муроқба йўли билан ҳақиқатни билиш мумкин деган туншунча)ли, ҳар қандай ўзгариш ва танловлар хуш ёқувчи, сезувчан, фусункор, янгиликлар киритишга мойил, идеал даражадаги шерик, фаровонлик ва шон-шарафни ёқтирувчи, шошқалоқ ва узоқни ўйламай иш қилувчи, импульсив характерли инсон.

Артистик қўлни баъзан **конуссимон** ҳам деб атайдилар, чунки одатда бу қўлнинг бармоқлари қиррали, чўзинчоқ, тирноқли бўлади. Бундай қўлли одамлар бир хил ишни ёқтирмайдилар ва улар учун мунтазам фаолият мутлақо ётдир. Улар эркинликни, янги танишувларни, қўнғилхушликларни яхши кўрадилар. Бирор нарсага осонликча қизиқиб қолади ва шундай тезда ҳафсаласи пир бўлади. Артистик қўлнинг бир тури **лаззатланувчи** деб аталувчи қўлдир. У бироз қўпол, бармоқлари йўғонроқ, нозикликдан маҳрум. Бундай қўл исрофгар, ёлғонга мойил, фақат ўзи учун яшайдиган шахс ҳақида далолат беради.

Касби:

Рассомлар, ҳайкалтарошлар, шоирлар, мусиқачилар, ҳакамлар ва амалдорлар.

Амалий (квадратсимон) қўл (4-расм)

Шакли:

- тўрбурчак шаклидаги билаклар;
- бармоқларнинг учлари чорбурчак кўринишли;
- йирик бош бармоқли;
- ўртача катталиқдаги (лекин кичикдан кўра кўпроқ катта) тўғрибурчакли сертугун ва бўғинлари кучли ривожланган бармоқларга эга;
- квадрат шаклидаги кафти қаттиқ, салгина ботиқ қўл.

Характер хусусиятлари:

Қаъбиятли, эҳтиёткор, ростгўй, расм-русм тарафдори, ўйинни қоидалар бўйича ўйновчи, ишончли, интизомли, камтар шахс. Амалий қўлли кишилар, одатда яхшигина ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, уларда шунингдек, вазминлик, чидам, тиришқоқлик ҳислатлари мавжуд. Тартибни яхши кўрадилар ва одобга риоя қилишга ҳаяжон билан қарайдилар. Жуда мулоҳазали ва синчков. Фантазия ва тасаввур этиш уларга ёт.

Касби:

Ишбилармонлар, раҳбарлар, адвокатлар, докторлар, олимлар ва муҳандислар.

Файласуфона (сертугун) қўл (5-расм)

Шакли:

- катта ёки ўртача панжали;
- узун ва серқирра, сертугун бармоқли;
- ориқ бармоқларга эга;
- тугунли бўғимли;
- кенг ориқ кафтли;



4-расм. Амалий (квадратсимон) қўл.



5-расм. Файласуфона (сертугун) қўл.

- олдинги бўғимлар ярим конуссимон, ярим квадратли;

- ярим конуссимон тирноқлари бор қўл.

Характер хусусиятлари:

Барча воқеа-ҳодисаларни баҳолай оладиган, метафизик туйғули, ўз илмини бошқалар билан баҳам қўришга мойил, маънавий баркамол, жўшқин, одамови, майда-чуйдаларга эътибор берадиган, ақл-мулоҳаза юритиш қобилияти зўр. Айрим хиромантлар юқоридаги фикрнинг тескарисини айтадилар, яъни бундай қўлли одамлар ниҳоятда уқувсиз, ўзини ҳимоя қила олмайди, хаёлотга чўмиш ва воқеликни идеаллаштиришга мойилдирлар. Одатда улар ростгўй ва содиқ, севгига, гўзалликка, эркинликка жуда муҳтождирлар, муомалада таъсирчан ва мулойим.

Касби:

Файласуфлар, донишмандлар, шоирлар, ёзувчилар, руҳонийлар.

Руҳий (маънавий) қўл (6-расм)

Шакли:


- кичкина ва хушбичим, текис бармоқлар;
- узун, салгина қиррали тирноқларга эга;
- ўртача кафтли;
- олдинги бўғимлари ингичка ва узун шаклли;
- кичкина ва нафис бош бармоқли қўл.

Характер хусусиятлари:



6-расм. Руҳий (маънавий) қўл.

Хаёлпараст, ишониб бўлмайдиган, оккултизм (дуохонлик, азайимхонлик, иссиқ-совуқ, афсун каби хурофотларга ишонтирувчи мистик таълимотларнинг умумий номи)га оид фанларга қизиқувчан, мантиқсиз фикрловчи, интизомли, қатъий тартибни хуш кўрувчи ва ишни ўз вақтида аниқ бажарувчи киши. Бундай қўл соҳиблари ишнинг кўзини билмайди, ўзини ҳимоя қила олмайди, мушоҳадага ва юксак ахлоқий идеалларга мойил. Улар



7а-расм ва **7б-расм**. Аралаш қўл.

ростгўй ва содиқ, севгига, гўзалликка, эркинликка жуда муҳтож, ҳиссиётга берилувчан ва муомалада юмшоқ.

Айрим хиромантлар ушбу қўл соҳибларини қуйидагича таърифлайдилар: улар гўзаллик шайдолари, дунёвий ишларда нўноқ ва иқтисод қилиш ҳақида мутлақо тасаввурга эга эмас. Криловнинг «Ниначи ва чумоли» масалидаги ниначи сингари ёзда фақат ўйнаб-кулади, қиш келганда эса ҳеч вақосиз бечора! Туғма истеъдод соҳиблари, улар шеърият, адабиётни севишади. Бу турга мансуб иккита вакилнинг никоҳи одатда бахтли, идеал оила сифатида танилади, бироқ улар моддий воситалар етишмаслигидан азобланиши мумкин. Бошқа тарафдан, мижозларнинг ўхшашлиги агарда тўғри келмаса, уларни катта бахтсизлик қутиши мумкин. Бу одамлар ўзларига катта таскинни динда ва яхши ишларда топишади.

Касби:

Дуохонлик, азайимхонлик, иссиқ-совуқ, афсун билан шуғулланувчи кишилар; ёзувчилар, рассомлар ёки бастакорлар.

Аралаш қўл (7а ва 7б-расмлар) кўпчилик одамда учрайди. Унда бир неча турларнинг белгилари мужассам, шу билан бирга бу уйғунлик ҳар хил бўлиши мумкин. Яъни кафт кенг, бармоқлар узун, бармоқларнинг

бошланиш жойи кенг, кейин эса торайган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда у қўлларнинг амалий ва руҳий тури шаклига монанд. Бошқа бир инсонда эса оддий ва файласуфона турларнинг шаклини кузатиш мумкин. Уларни шарҳлаш жараёнида ҳаммасидан кўра муҳим бўлган аломатларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ саналади.

Агарда улар ўзаро қарама-қарши маънони англатса, ўрта кўрсаткичларни олиш тавсия этилади. Аралаш қўл шахснинг осонгина мослаша олиш феъл-атворидан ва қўп қиррали эканлигидан дарак беради. Баъзан охириги сифат унинг зарарига ҳам юриши мумкин, чунки инсон кўзига яхши кўринган нарсани қилишга интилиб, ҳаётда ҳеч нарсага эришолмайди. Лекин ажойиб муҳандислар, ихтирочилар ва тадқиқодчилар бу турга ҳам тааллуқли бўладилар; улар ҳаётлари давомида ўзлари қизиққан мавзулар устида шуғулланадилар. Бирор бир соҳада амалга оширган ихтироларидан жамият ҳаёти яхшиланса-да, ўзлари моддий фаровонликка эриша олмайдилар.

Асосий ва иккинчи даражали қўллар

Кафтга қараб фол очишда қўллар асосий ва иккинчи даражали қўлга бўлиб ўрганилиши қабул қилинган. Туғилгандан бошлаб қайси қўлдан тез-тез фойдалансангиз, ўша асосий қўл саналади. Шундай қилиб, сиз ўнагай бўлсангиз, ўнг қўл асосий ҳисобланади, агар чапақай бўлсангиз, унда чапи. Асосий қўл шакллانган шахснинг характери, орттирилган хислатларини ва танланган йўлни; иккинчи даражали қўл эса истеъдод, қобилиятлар ва фазилатлар ҳақида башорат қилади. Баъзи хиромантларнинг таъкидлашича, асосий қўл инсоннинг реал ҳаракатлари ҳақида ахборот беради, иккинчи даражали қўл эса – унинг фикрлари ҳақида.

Кафт чизиқлари инсоннинг нима қилишни режалаштиришига қараб ўзгариб турувчи имкониятлар харитаси ҳисобланади. Айрим ҳолларда ният ва каф-

тдаги чизиқлар бутунлай қарама-қарши маъноларни англатиши мумкин. Шу сабабли чап қўл чизиқлари ва ўнг қўл белгилари ўзаро кескин фарқ қилиши кузатилади. Агар сиз асосий ахборотлардан воқиф бўлишни хоҳласангиз асосий қўлдан фойдаланиб фол очинг. Агарда инсон тўғрисида (ёки ўзингиз ҳақингизда) максимал ахборотга эга бўлишни истасангиз, иккала қўллар билан ишланг.

Ўнг ва сўл қўллар

Чап қўл ирсиятни акс эттиради, иззатталаблик даражасини таърифлайди, одамнинг истаклари ва ҳадиксирашларини кўрсатади. Ўнг қўл бу мойилликлар қандай ривожланишидан ҳикоя қилади. Бундан ташқари, унда келажакни башорат қилувчи белгилар бўлиши мумкин.

Қўллар шакли ва узунлиги

Қўллар шакли ва узунлигига қараб, одамнинг характери, имкониятлари, мойилликлари ва бошқа нарсалар ҳақида фикр билдириш мумкин.

Агар панжа конус шаклида бўлса, бу одамнинг кучли, ғайратли ва ташқи таъсирга мойил эмаслигини билдиради. Овалсимон (чўзиқ) панжа одатда эмоционал шижоатга мойил, таъсирчан ва эҳтиросли одамларга тегишли.

Қоқ суяк панжа – журъатсизлик, қўрқоқлик белгисидир, бундай қўлли одамлар ўзи учун ҳам, биров учун ҳам курашмайдилар. Агар у яна узун ҳам бўлса – бу худбинлик, мижғовлик, чиқиша олмаслик ва золимлик белгисидир. Қисқа қоқ суяк панжа одамнинг сафсатабозлик, ҳасислик ва очкўзликка мойиллигини билдиради.

Тана катталигига пропорционал жойлашган ўртача катталиқдаги панжа вазмин феъдан далолат беради. Катта панжа (узун ҳам, кенги ҳам) айёрлик ва эпчилликни англатади. Ўта қисқа панжа – ярамас ха-

рактер белгиси. Узун панжа одатда пасткаш, васвасага мойил одамларга тегишли.

Қисқа ва кенг қўллар кўпроқ меҳнатсевар, садоқатли, адоват сақламайдиган одамларда учрайди. Ўта узун, тиззаларгача етадиган қўллар қалбнинг олижаноблигини билдиради. Лекин бундай қўлли одамлар одатда ҳукмронликка интиладилар, буйруқ беришни яхши кўрадилар.

Қўлларнинг ранги ва тукдорлиги

Қўллар рангига қараб инсон соғлиғи тўғрисида фикр юритиш мумкин. Қизил қўллар соғлиқнинг ёмонлигидан дарак беради ва кўпинча жиззакилик белгиси бўлиб хизмат қилади. Бинафша рангга мойил қорамтир қўллар нафақат заиф соғлиқ тўғрисида, балки улкан дангасалик ҳақида дарак беради. Терининг мутлақо оқ ранги лоқайдлик, маънавий кучнинг заифлигини билдиради. Терининг ингичка томирларини кўрсатиб турувчи соғлом пушти ранги – туғма раҳмдиллик ва ақл белгисидир.

Бармоқлар бўғинларининг ўртача тукдорлиги – яхши соғлиқ ва раҳмдиллик белгиси.

Кафтининг тескари томони тукдорлиги нимани англатиши борасида хиромантлар фикрлари турлича: бир хиллари бу жони қаттиқлик белгиси деб ҳисоблайдилар, бошқалари эса – ақл белигиси деб. Тукларнинг бутунлай йўқлиги бетайинликдан дарак беради.

БАРМОҚЛАР

Бармоқларнинг сайёралар билан ўзаро муносабати

- Жимжилоқ – Меркурий – соғлиқ ва касбий қоби-
лиятдан хабар беради.

- Номсиз бармоқ (сўфи бармоқ) – Аполлон – шон-
шараф ва фаровонликни кўрсатади.

- Ўрта бармоқ – Сатурн – бошқаларга ўхшамайди-
ган ва кўзга яққол ташланувчи хислатларидан дарак
беради.

- Кўрсаткич бармоқ – Юпитер – нафсоният ва ўзига
хурмат рамзи.


- Бош бармоқ – куч ва нуфузини намоён этади.

Айрим хиромантлар буни бошқача изоҳлайдилар:
ўрта бармоқ (Сатурн) тақдирни, қисматни билдира-
ди; сўфи бармоқ (жимжилоқ ёнидаги, тўртинчи бар-
моқ) (Қуёш) – санъат билан алоқани, муваффақиятни,
истеъдод ва қобилиятларни; жимжилоқ (Меркурий) –
савдога алоқадорликни, амалий ва илмий фаолиятни;
кўрсаткич бармоқ (Юпитер) – бурчга ва ҳокимиятга
муносабатни; бош бармоқ – ҳис-туйғуларга алоқадор-
ликни англатади (8-расм).

Бармоқлар сўйлайди

Агар ўрта бармоқ кучли ривожланган бўлса, бу
одамнинг ғайратли, ҳукмрон, бошқаларни ўзига
бўйсундиришга мойил эканлигини ва ҳеч ким билан
ҳисоблашмаслигини англатади. Агар сўфи бармоқ
кўрсаткич бармоқдан каттароқ бўлса – бундай одам
мулойимлик ва эркалашга муҳтож эканлигининг бел-
гисидир. Катта жимжилоқ эса иззатталаблик ва ўз ол-
дига буюк мақсадларни қўйишга мойилликни билди-
ради.

Баъзи бир одамларда бош бармоқ кўрсаткич бар-
моқ остига, муштига букилгандай бўлади. Бу янги ту-
ғилганлар ва ўлаётганларнинг ишораси бўлиб, заиф-
ликни ва ироданинг мутлақо йўқлигини англатади.



8-расм. Бармоқлар номи.

Хиромантлар бош бармоқни жуда муҳим деб ҳисоблайдилар. Унинг нормал узунлигини аниқлаш жуда осон: кафт ёнига ёпишган ҳолда у кўрсаткич бармоқнинг пастки бўғини ўртасига етиши керак. Агар бош бармоқ кўрсаткич бармоқнинг пастки ва ўрта бўғинлари бирлашган жойига тегса ёки ҳаттоки ошиб кетса, бу кучли иродадан дарак беради. Қисқа бармоқ аксинча, кучсиз ирода ва кўнгилчанлик белгисидир.


Кенг бош бармоқ ақл ва айёрликни билдириши мумкин.

Бу бармоқнинг юқори бўғини – ирода кўрсаткичи, пасткиси – ақлнинг. Уларнинг узунлигини солиштириб, одам феълидаги ақл ва ирода нисбатини аниқлаш мумкин. Агар «ақлли» бўғин етарли узунликда бўлган ҳолда япалоқ бўлса, бундай одамни ақлли деб аташ мумкин.

Агар бош бармоқ жуда эгилувчан ва осон орқага ташланса, бундай бармоқ соҳибларига эҳтиёткор муносабатда бўлиш керак: улар эгилувчан характер ва кўнувчан виждонга эга одамлар.

Бармоқ турлари

Бармоқ турлари жуда муҳимдир. Қиррали бармоқлар одатда, маънавий ҳаёт билан яшайдиган одамларга тегишли бўлади. Тўмтоқ бармоқлар амалиёт ва савдога мойил одамларда учрайди. Бурчаксимон бармоқлар тартибни яхши кўриш, ақл, ҳамма нарсага ишонч, ҳукмронликка мойилликка ишора қилади. Куракси-



9-расм. Бармоқ турлари.

монлари – фаол ва мустақил шахсни, конуссимонлари – раҳмдиллик, тинчликсеварлик, мустақиллик ва қобилиятни. Узун кафтдаги қисқа ва йўғон бармоқлар – дангасалик, енгилтаклик, эътиборсизлик, лоқайдлик рамзидир. Нафис бармоқлар кишининг раҳмдил эканлигидан далолат беради.

Аксарият қўл фолига оид асарларда бармоқ турлари қуйидагича таърифланган:

Тўртбурчак (квадрат)симон бармоқлар (9а-расм)

- Бизнесни ташкил этиш, турли ғоялар ўйлаб топиш маҳоратига эга, ҳамма нарсанинг мағзини чақишни яхши кўради.

- Камтар ва омилкор.

- Анъаналарга боғланган, одатлар ва қонунларга бўйсунди.

- Амалиётчи ва тизимли.

- Унинг учун бурч – биринчи ўринда.

- Аъло даражадаги молиячи.

Конуссимон бармоқлар (9б-расм)

- Гўзалликка таъсирчан, ажойиб муҳитда яшайди ва яхши кийинади.

- Юксак заковатли, қобилиятли хаёлпараст.

- Тез фикрлайди ва вазиятга дарҳол баҳо бера олади.

- Бундай инсонда мустақкам хулоса мавжуд, унга руҳий қувват ато этилган.

- Етарлича ҳис-туйғу билан тўла ва ишонувчан.

Қиррали бармоқлар (9в-расм)

- Эҳтиёткор, ўқимишли ва вазиятга тез мослашади.



10а-расм. Қиррали бармоқларга эга қўл.



10б-расм. Кураксимон бармоқларга эга қўл.

- Қобилиятли суҳбатдош ва омадли тадбиркор ёки жамоатчилик билан алоқалар бўйича муваффақият қозонган мутахассис.

- Хаёлпараст, спиритизм (ўлганлар руҳи нариги дунёда яшайди ва улар билан сўзлашиш мумкин деб ишонувчи оқим)га мойил.

- Гўзаллик шайдоси, илҳом ва ғояларга тўла.

- У, одатда, илҳом ва мулоҳаза жараёнида иккила-ниб туради (10а-расм).

Кураксимон бармоқлар (9г-расм)

- Воқеаларга реал муносабатда бўлишда прагматизм (Америка фалсафасида объектив ҳақиқатни эмас, балки бойларга фойда келтирадиган нарсаларнигина ҳақиқат деб билувчи оқим; тарих фанида: тарихдаги объектив тараққиёт қонунларини очиб бермасдан, воқеаларни фақат ташқи боғланиши ва изчиллигига қараб тасвирловчи оқим) тарафдори.

- Саёҳатга чиқишни ва йўлда роса сайр қилишни яхши кўради.

- Ўзининг мақсадларига эришиш учун курашади ва доимо ҳаракатда бўлишни ёқтиради.

- Ишига боши билан шўнғийди.
- Етарлича жўшқин, ижодкор ва ғайратли (10б-расм).

Тўғри (тик) бармоқлар (9д-расм)

- Соддадил, тўғри ва ишонувчан инсон.
- Тиришқоқ, ғайратли ва таъсирчан.
- Унинг фикрлари ва нутқи доимо бир-бири билан уйғунликни ҳосил қилади.

- Аниқ бир мақсадга интилувчан.

Сертуғун бармоқлар (9е-расм)

- Доим ўзининг ҳаракатларини пухта ўйлайди.
- Унга ғайриихтиёрийлик етишмайди.
- Унинг истаклари фикрларига тўғри келмайди.

Бармоқларнинг узунлиги ва шакли

Аввало, бармоқлар узунлигига эътибор қаратиш керак. Энг узун – ўрта бармоқ, қолганлари эса унинг ўнг ва чап томонида жойлашадилар. Демак, хиромантия ўрта бармоқнинг бошқаларга ҳукмронлигини тан олади ва у Сатурнга бўйсунди деб ҳисоблайди.

Узун бармоқлар

- Ташқи таъсирга берилувчан, мулоҳаза юритишда тезкор ва сабрсиз инсон.

- Мушоҳадали хулосалар билдиришда кучсиз, лекин яхши ижрочи.

- Хусусий манфаатларига доир масалаларда худбин ва шафқатсиз бўлиши мумкин.

- Баъзилари тамадди қилишни, ичишни ва кўнгилхушликни ниҳоятда ёқтирадилар.

Семиз бармоқлар

- Бундай инсонга умид боғлаш мумкин, унга ишонса бўлади.

- Ўз манфаатини кўзлаб иш тутади ва ҳузур-ҳаловатда яшашни хоҳлайди.

Ингичка бармоқлар

- Гўзаллик ва маданият шайдоси.
- Устомон ва ўзининг ҳиссиётларини назорат қила олади.

- Жуда эҳтиёткор ва узоқни ўйловчи; қарор қабул қилишдан олдин доимо пухта ўйлайди.

- Баҳолай олиш қобилияти жуда кучли ривожланган.

- Одатда у меҳрибон, кўнгилчан ва ўзгаларга ёрдам беришга шай.

Эгилувчан бармоқлар

- Бундай инсонлар маккор, худбин ва шубҳали; айниқса ушбу бармоқлар кафт томон букилган бўлса, бу сифатлар яққолроқ намоён бўлади.

- Яхши, киришимли суҳбатдош, лекин сирларни оғиздан гуллашга ишқивоз.

Тугунли бармоқлар

- Бундай инсонлар майда-чуйда тафсилотларни ҳам тез пайқаб олувчи, ақл-мулоҳаза юритишга уста одам.

- Олдинги тугун ҳамма нарсага эҳтиёткорлик билан ёндашишни англатади.

- Ўрта тугун ўртача ақлни кўрсатади.

- Иккала тугун яхши ажралса, бундай инсон одатда ҳаммани гашига тегади ва у билан яшаш қийин.

- Бармоқлар асосидаги бўғимлар нотекис бўлса, бундай инсонда озодаликка, соғлиққа, аниқликка бе-парволик кузатилади.

Текис бармоқлар

- Бундай инсон ўз мулоҳазасини кескин ва беихтиёр ифодалайди.

- Етарлича эмоционал ва ўз эҳтиросларига бўйсун-нади.

Бармоқлар орасидаги масофа

Бош ва кўрсаткич бармоқларнинг орасидаги кенг бўшлиқ мустақиллик, сахийлик, ички шижоатни тия билишни кўрсатади. Кўрсаткич ва ўрта бармоқларнинг ораси – анъаналарга бефарқлик, бошқаларнинг мулоҳазаларини инobatга олмай шахсий мулоҳазага таянишни англатади. Ўрта ва сўфи бармоқлар ораси – ижтимоий ва хусусий заруратлар балансининг ўзаро уйғунлигини билдиради. Сўфи бармоқ билан жимжи-

лоқ ораси – самимийлик, софдиллик, атрофдагиларнинг у ҳақда нима ўйлашларига бефарқликни кўрсатади.

Хиромантия қонунларига кўра бир-бирига яқин жойлашган бармоқлар одамнинг туғма мойилликлари ва ниятларидан дарак беради. Алоҳида турган бош бармоқ – одам бу мойилликлар ва ниятларига қандай муносабатда эканлигининг белгисидир: ўз тақдирини мустақил барпо эта туриб, буни мавжуд нарсга деб қабул қилади ёки қаршилик кўрсатади.

Бир-бирига жипс жойлашган бармоқлар раҳмдиллик, камтарлик, соғлом фикр, баъзан эса тежамкорлик ёки ҳатто ҳасислик ҳақида далолат беради. Керилган бармоқлар одатда эзма ва худбин одамларга тегишли. Асос жойида керилган ва учларида бирлашган бармоқлар дайди ва гадойларда учрайди.

БЎҒИНАЛАР

Агарда олдинги бўғинлар узунроқ бўлса, унда бундай инсонни олий инстинктлари бошқаради.

Ўрта бўғинлар узунроқ – бундай инсон бизнесни яхши тушунади.


Пастки бўғинлар узунроқ – бутунги кун билан яшовчи инсондан далолат беради.

Ҳамма бўғинлар узун – куч-қудрат ва обрў, шуҳратпараст, бардош ва эҳтиёткор.

Ҳамма бўғинлар қисқа – куч-қудрат, яшовчанлик, спонтанлик ва ҳаракатчан.

Семиз бўғинлар – манфаатпараст ва иззатталаб, даб-дабани севувчи.

Ингичка бўғинлар – санъатга мойил, ижодкор, новатор, бошқаришга қодир (11-расм).



11-расм. Бармоқ бўғинлари.

ТИРНОҚЛАР

Узун тирноқлар

- Узун, ингичка, мўрт – ожизлик.
- Узун, ингичка, букилган – севгига нотўғри муносабатда бўлиш.
- Узун, ингичка, тор – журъатсизлик ва иродасизлик.
- Узун, кенг, юмалоқ – тўғри мулоҳаза.
- Узун, букилган, семиз – макр ва ахлоқсизлик.
- Узун, пушти, қиррали – яхши соғлиқ, санъаткорона дид ва эмоционал барқарорлик.
- Узун, учлари кенг, бошланиш жойи кўкимтир – юрак касалликлар.
- Узун, катта ёйсимон (12-расмда берилган тирноқ турларига қаранг) – қоннинг жуда тез айланиши.

Қисқа тирноқлар

- Қисқа, ясси, чаноқсимон – фалажлик белгилари.
- Қисқа, ясси, кўп қисми тери билан қопланган – асаб касаллиги.
- Қисқа, ёйсимон – қоннинг ёмон айланиши.
- Қисқа, қаттиқ – мижғов характер, лов этиб босиладиган жаҳлга мойил.
- Қисқа тирноқли юмшоқ кафт соҳиби – туғма танқидчи, баҳсчи, мазахчи, жанжалкаш.
- Қисқа, рангсиз – ёлғончи ва кучсиз характер.
- Қисқа, қизил – бешафқат феъл-атвор.
- Қисқа, тўртбурчаксимон, кўкимтир – юрак муаммоси.



12-расм. Тирноқ турлари.

- Қисқа, учбурчаксимон – фалаж, фаолиятсизлик.
- Қисқа, тор, букилган – умуртқа поғонасига боғлиқ муаммо.

Кенг тирноқлар

- Кенг, қисқа – баҳс-мунозарани яхши қўради.
- Кенг, ўртача – қатъий.
- Кенг, остки (асос) қисми квадратсимон – самимий, соддадил, оптимизм, манманлик, хотиржам темперамент.
- Кенг, қаттиқ – ўзгарувчан, чидамли.

Ингичка тирноқлар

- Ингичка, жуда кичкина – заиф соғлиқ, ҳаётий куч ва қувват етишмаслиги.
- Ингичка тирноқ, оқ доғлар – ҳиссиётга берилувчан ва асабий.
- Ингичка, узун, букилган – оламга, муҳитга нотўғри муносабат.
- Ингичка, ўртача, букилган – тортинчоқ, юраксиз.

Тўртбурчаксимон тирноқлар

- Тўртбурчаксимон, ўртача – тажовузкор, лекин кичиримлилик.
- Тўртбурчаксимон, узун – бирор ишни амалга оширишда мавжуд шарт-шароитларни аниқ ҳисобга олади, ҳаракатчан, ишончли.

Тор тирноқлар

- Тор, ўртача – дипломатик қобилият.
- Тор, юмшоқ – нозик тузилиш.
- Тор, ингичкар – нафис қиёфа, асабий ва ўжарликка мойил.

Доирасимон тирноқлар

- Доирасимон, ўртача – дадиллик.
- Доирасимон, қаттиқ – саботлилик ва қатъийлик.
- Доирасимон, ингичка – қарорни тез қабул қилиш қобилиятига эга.

Пушти ранг тирноқлар қатъият ва барқарорликдан дарак беради, оч (айниқса, юмалоқ) тирноқлар ҳамма муносабатларда хавфли одамлар белгиси ҳисобланади.

Агар тирноқлар нотекис, эгилган, буралган бўлса, бу ўзбошимчалик ва йиртқич феълдан дарак беради. Айниқса жуда ингичка бармоқлардаги букилган ва учқур тирноқлар жиддийлик ва ёвузликни англатади. Бундан ташқари, бундай тирноқ соҳиби ўпка касалликларидан азият чекиши мумкин.

Агар тирноқларда оқ нуқталар бўлса, одамни бахт кутади, қора нуқталар эса тескари белгидир. Лекин оқ нуқталар, одатда жуда асабий одамлар тирноқларида бўлади.

КАФТДАГИ ДЎНГЛИКЛАР (БЎРТИҚЛАР) – ФЕЪЛ-АТВОРИНГИЗДАН ДАРАК БЕРАДИ

Дўнгликлар шакли

Кафтда, бармоқларнинг асос жойида, кўзга ташла-
ниб турувчи бармоқ дўмбоқчилари дўнгликлар деб
аталади. Улар шаклига кўра турлича маъноларни анг-
латади:

- Сал кўтаришган дўнглик ижобий белги бўлиб, унда
кучли хислатлар намоён бўлади, ясси дўнглик салбий
аломат ҳисобланиб, характернинг кучсиз тарафлари-
ни акс эттиради.

- Бўрттирилган дўнглик салбий хислатларни кўрса-
тади.

- Дўнгликдаги учбурчак, доира ёки вертикал чизиқ
– бу мувофиқ белгилар.

- Дўнгликдаги овал, нуқта, крест, ўчириб ташлан-
ган чизиқ, панжара, горизонтал чизиқ – нуқсонларни
кўрсатади.


Пушти рангли қўл, тўртбурчаксимон қўл, бармоқ-
ларнинг кураксимон шаклдаги учлари дўнгликлар-
нинг кучини оширади. Қиррали ёки конуссимон бар-
моқлар дўнгликларнинг кучини камайтиради.

Дўнглик ва Сайёралар

Хиромантияга кўра, кафтда еттита дўнглик мав-
жуд: Зуҳра, Юпитер, Сатурн, Қуёш (бошқача айтган-
да, Аполлон), Меркурий, Марс ва Ой дўнгликлари (13-
расм). Булар аталишидан маълум – коинот сайёра-
рининг номи. Тўрттаси бармоқларнинг асослари (ост-
ки қими)да жойлашган: Юпитер, Сатурн, Аполлон ва
Меркурий.

Кафт бўйлаб иккита дўнглик – Марс ва Ой, бош бар-
моқ асосида эса Зуҳра дўнглиги жойлашган.

Зуҳра дўнглиги бош бармоқ асосида жойлашган
(14-расм). Гўзалликка муҳаббат ва лаззатларга чанқ-
оқликдан дарак беради. Агар у кучли ривожланган




13-расм. Чизиқлар ва дўнгликлар.


Чизиқлар (рақамлар оқ доирада): 1 – Ҳаёт; 2 – Ақл; 3 – Юрак;
4 – Тақдир; 5 – Муваффақият; 6 – Соғлиқ; 7 – Ички ҳис;
8 – Эрга тегиш (уйланиш); 9 – Шаҳватпарастлик; 10 – Зухра
ҳалқаси (камари). Дўнгликлар (рақамлар қора доираларда):
1 – Зухра; 2 – Юпитер; 3 – Сатурн; 4 – Қуёш; 5 – Меркурий;
6 – Марс; 7 – Ой.

бўлса – бу ҳиссиётлилиқ, беқарорлик, очкўзлик, рашкчилик, жиззакилик ва таннозлиқ белгиси, агар кичик бўлса – шавқсизлик белгиси.

Ўртача ўлчамли дўнглик соҳиби хушмуомала ва сажий; ҳамкорларига, жамоага ва ҳаёт йўлдошига боғлиқ ҳамма нарсада таклиф бера олади.



14-расм. Зухра дўнглиги.



15-расм. Юпитер дўнглиги.

Юпитер дўнглиги кўрсаткич бармоқ асосида жойлашган (15-расм). Нормал (айрим манбаларда – кучли) ривожланган дўнглик мағрур, ҳукмрон, адолатли, виждонли, некбин ва атрофдагиларга дўстона муносабат бўладиган одамларда учрайди, заиф (ясси дўнглик) ифодалангани – дангаса, ўзига ишонмайдиган ва ўртамиёналарда.


Жуда катта дўнглик соҳиби шуҳратпараст, гурурли, дангаса ва эгоист бўлиши мумкин.

Мазкур дўнгликдаги Юрак ва Ақл чизиқлари орасидаги кичкина чизиқ инсонга бойликни башорат қилади.

Агар унда битта умумий марказга эга бўлган доиралар кузатилса, бу деярли барча ишларда муваффақиятни билдиради.

Чўзилган ёки нотўғри доиралар камроқ муваффақиятни англатади. Агар улар бўлмаса, муваффақият ҳам бўлмайди.

Сатурн дўнглиги ўрта бармоқ асосида жойлашган (16-расм). Кескин ифодаланган дўнглик – мулоҳазакорлик, ақлнинг ҳиссиётлардан устунлиги белгиси. Агар баланд дўнгликда умумий марказга эга бўлган



16-расм. Сатурн дўнглиги.



17-расм. Аполлон (Қуёш) дўнглиги.

доиралар бўлса, бу одамовилик, тушқунликка мойилликдан далолат беради.

Агар дўнглик ўртача ўлчамда бўлса, унда бундай инсон ўта масъулиятли ва у умри давомида ақлини чархлаб боради.

Баъзан катта дўнглик ва узун бармоқлар совуқ ва бегоналашишга мойил, баъзан одамови инсондан дарак беради.


Аполлон (Қуёш) дўнглиги – сўфи бармоқ асосида (17-расм). Аниқ (ўртача ўлчамдаги) ифодаланган дўнглик – ҳар нарсага яхши умид ва ишонч билан қаровчи, меҳрибон, ғайрат ёғилиб турувчи, жасурлик ва зеҳни ўткирлик, санъатга мойиллик белгиси.

Жуда баланд дўнглик мақтанчоқлик, уқувсизлик, очкўзлик ва ишончсизликни билдиради, яссиси эса – ўртамиёналик, илтифотсиз ва орсизлик, атрофдагилар меҳрига муҳтожликни. Агар унда умумий марказга эга бўлган доиралар бўлса, бу моддий бойликлар, ҳокимият, муваффақият ёки манфаатли никоҳдан дарак беради.

Меркурий дўнглиги жимжилоқ асосида жойлашган (18-расм). Тўғри доирали яхши ривожланган



18-расм. Меркурий дўнглиги.



19-расм. Ой дўнглиги.

дўнглик – савдога мойиллик белгиси, ясси ва чўзилган доирали кенг дўнглик эса – фирибгарлик ва ёлғончилик белгиси. Агар доиралар бўлмаса, одам мутлақо савдо билан шуғулланишга қодир эмас.

Ўртача ўлчамдаги дўнглик саёҳат қилишни, тўкин ҳаётни, саргузашт ва шодликни ёқтирувчи инсондан хабар беради.

Ҳаддан ташқари катта дўнглик қип-қизил ёлғончи, жозибадор, айёр, савдо соҳасида фирибгар ва севги бобида виждонсизликни кўрсатади.

Ясси дўнглик уятчан, журъатсиз ёки зерикарли одамларда бўлади.

Ой дўнглиги кафт четининг ташқи томонида жойлашган – бош бармоқ асоси рўпарасида, панжа асоси ва Меркурий дўнглиги оралиғида (19-расм). Ҳаёлни, назокатни, шоирона истеъдодни билдиради. Жуда кенг ва ривожланган дўнглик инжиқ феъл, маъюслик, умидсизлик, ўйламасдан қилинган ишлар белгиси бўлиб хизмат қилади.

Ўртача ўлчамли дўнглик саховатли, ғамхўр, ижодкор ва топқир, қандай яшашни биладиган инсонни билдиради.

Агар дўнглик ясси бўлса, бу кенг тасаввур ва бошқаларни тушина олиш қобилияти мавжудлигини англатади; лекин бундай инсонлар зерикарли ва романтик эмас.


Марс дўнглиги кафт бўйлаб жойлашган ва ботирликни англатади (20-расм). Жуда ривожланган (қалин, кўзга ташланиб турадиган ва қаттиқ) дўнглик қизгин мижозни, қувватга тўлиб-тошган ва қувноқ инсонни англатади; кичиги эса – вазминликни билдиради. Бу дўнглик юқори (Ақл чизиги ва Юрак чизигининг боши орасида), ўрта (шунингдек, Марс текислиги деб ҳам аталади, у кафт ўртасида жойлашган) ва пастки (бош бармоқ билан Юрак чизигининг бошида ёнма-ён жойлашган) Марс дўнгликларига бўлинади.

Лекин ҳар доим ҳам дўнгликлар (21-расм) кафтда ёрқин ифода қилинган бўлавермайди, айрим одамларда баъзан бир ёки бир неча дўнгликлар умуман билинмайди (хиромантларнинг айтишича, дўнглик заиф ёки салбий ривожланган).

Агар дўнглик яққол ажралиб турса, бу сайёранинг кучли таъсиридан дарак беради. Зуҳра дўнглиги қанчалик йирик бўлса, одам шунчалик сермуҳаббат ва ҳис-туйғуга берилган бўлади.

Юпитернинг бўртиб чиққан дўнглиги кучли таъсирчанлик, ўзини бошқара олмасликни англатади. Сатурннинг катта дўнглиги – ҳаддан ташқари ўзига ишонувчанлик белгисидир. Қуёшнинг йирик дўнглиги иззатталаблик, очкўзлик, ҳукмронликдан дарак беради.

Санъатга ва ижодга мойил одамларда Меркурий дўнглиги алоҳида ажралиб туради.




20-расм. Марс дўнглиги.

Мулоҳазази, сабрли, мантиқан фикр юритувчи одамлар ривожланган Марс дўнглигига эга.

Хаёлпараст, бой тасаввурга эга одамларда Ой дўнглиги жуда кўзга ташланиб туради.

Агар дўнглик бир йўналишда ингичка чизиқлар билан тўлдирилган бўлса, бу бойликни ўйламасдан сочиб юборишга интилувчан характердан ва сайёранинг ёмон таъсиридан дарак беради.

Агар дўнгликда катак шакли бўлиб, у майда чизиқлар билан тўлдирилган бўлса, сайёра асирда қолгандай бўлади ва унинг хусусиятлари намоён бўлиши учун одам катта куч сарфлаши лозим. Агар дўнглик сурилган бўлса, сайёра у ёки бу бармоққа таъсир кўрсатадиган сайёрага нисбатан хизмат мавқеида бўлади. Қуёш дўнглигига томон сурилган Меркурий дўнглигини «санъатга хизмат қилувчи фан» деб тушуниш мумкин. Агар дўнгликлар бирлашиб кетса, сайёралар таъсири бирлашади.



21-расм. Кафтдаги дўнгликларнинг умумий кўриниши.

ЧИЗИҚЛАР СЎЗЛАЙДИ

Чизиқлар, чизиқлар – бунча кўп улар

Кафтни китоб ёки географик харитадай ўқиш учун, аввало, уни кесиб ўтадиган кўп сонли ингичка ва майда чизиқлар қандай аталиши билан танишиб чиқиш керак.

Кафтда тўртта муҳим чизиқ бўлиб, улар **асосий чизиқлар** деб номланади, танишинг: Юрак, Ақл, Ҳаёт ва Тақдир. Булардан ташқари кафтда Муваффақият, Соғлиқ, Эрга тегиш (Уйланиш), Зуҳра Ҳалқаси (Камари), Ички ҳис, Шаҳватпарастлик каби чизиқлар бўлиши мумкин (бўлмаслиги ҳам мумкин). Жуда нодир белгилар – Сатурн ва Соломон (Сулаймон) ҳалқалари. Санаб ўтилганлар **иккинчи даражали чизиқлар** ҳисобланади. Айнан бир хил феъл-атворли инсон бўлмаганидек, ҳар бир инсоннинг кафт чизиқлари ҳам ўзаро фарқланади, улардаги асосий ва иккинчи даражали чизиқлар ўзига хос миқдорда: барчаси бўлиши, умуман ёки жуда кам учраши мумкин (22а,в ва 23а,в-расмлар).



22а-расм. Кам чизиқли
чап қўл.

22б-расм. Кам чизиқли
ўнг қўл.



23а-расм. Қўп чизиқли
чап қўл.



23б-расм. Қўп чизиқли
ўнг қўл.

Барча чизиқлар аниқ бўлиши керак, лекин кенг ва оч (ранги ўчган – туссиз) эмас. Уларда ҳеч қандай синишлар, ороллар, хочлар ва бошқа белгилар бўлиши мумкин эмас. Агар иккала қўлдаги чизиқлар нақшларга кўра кескин фарқ қилса, у бетартиб ҳаётга, саргузашт ва кўнгилхушликларга мойилликни англатади.

Оч чизиқлар заиф соғлиқ ва ғайратсизликдан дарак беради, жуда ёрқин, қизил чизиқлар – фаоллик ва ғайратлиликни билдиради.

Ўта тўқ чизиқлар касалмандлик, таъсирчанлик, меланхолик темперамент, бадгумонлик ва, шунингдек, одам хафагарчиликни кечира олмаслигидан дарак беради.

Ҳаёт мобайнида чизиқлар кичрайиши, пайдо бўлиши ва рангини ўзгартириши мумкин. Бутун қўл ҳамма йўналишларда тарқаб кетган майда чизиқлар тармоғи билан қопланган бўлса, бу қалбнинг нотинчлиги ва бетайин характерни билдиради.

Ҳар қандай чизиқнинг узилиши мазкур шахснинг асоссиз ва ғайриқонуний ишларга мойиллигини кўрсатиши мумкин. Чизиқдан юқорига кетадиган шохлар

уларнинг куч-қудратини, пастга кетадиган шохлар – заифликни таъкидлайди. Чизиқнинг ҳар бир икки ҳисса кўпайиши у ёки бу сайёра таъсири мустаҳкам-лигининг белгиси. Чизиқлардаги ороллар сайёралар таъсири бўлинишини англатади.

Агар чизиқлар «М» ҳарфига бирлашса, одам учун севги ва оила мартабадан муҳимроқ эканлигини билдиради.


Инсон тақдирига нима битилган бўлса ҳам, у бунга ўз иродаси ёрдамида таъсир ўтказиши мумкин. Тақдирни Сатурн чизиғи мужассам этади (шунинг учун ҳам уни Тақдир чизиғи деб аташади), иродани – Ҳаёт чизиғи. Кафтда улар крест (ўзаро кесишган икки чизиқдан иборат белги) ҳосил қилиши мумкин.

Ундан ўнгга идеал томон жойлашган, чапда эса – амалийси, яъни ўртадан ўнгга қараб кетган чизиқлар одамнинг эмоционал ва ақлий мойилликларини билдиради, чапга қараб кетган чизиқлар эса – моддий ва амалий мойилликларини.

Асосий чизиқлар

Ҳар қандай инсон қўлида тўртта асосий чизиқларнинг бўлиши шарт, яъни: Юрак чизиғи, Ақл чизиғи, Ҳаёт чизиғи ва Тақдир чизиғи (24-расм). Бу чизиқлар турли башоратлардан бизни воқиф этади. Улар ҳақида қуйида батафсил тўхталамиз.

Ҳар бир хиромантининг кафтга қараб фол очиш борасида ўз усули мавжуд. Ҳаммасидан қулай усул аввало Юрак чизиғи (эмоцио-




24-расм. Кафтдаги чизиқлар.

нал ҳолат), кейин Ақл чизиғи (ақлий салоҳият ва табиий қобилиятлар), сўнгра Ҳаёт чизиғи (ҳаётий қувват ва чидамлилиқнинг бойиганлик даражаси) ва алҳосил Тақдир чизиғи (одам кетаётган йўл)ни кетма-кетликда ўқиш саналади. Бундай тартиб тасодифий эмас, чунки биринчи учта чизиқларга қараб тўртинчиси аниқланади. Ҳар бир чизиқнинг бошқа чизиқлар билан мослигини кўриб чиқиб, инсоннинг ҳаёти ва келажаги ҳақида бир хулосага келиш мумкин.

Юрак чизиғи: севгингиз кучини аниқланг

1. Юрак чизиғи қўл бармоқларининг Юпитер дўнглигидан ташқари барча дўнгликларини айланиб ўтади (25 а ва 25 б-расмлар). Одатда у кўрсаткич бармоқ асосида бошланади, сал пастроққа тушади, кейин нишабсимон ёй бўлиб (қавариқ томони пастга қараб) кетади ва Меркурий (жимжилоқ ости) ва Марс (кафт қирраси) дўнгликлари ўртасида чегара чизиғи бўлиб, кафт четигача етиб боради. Қўлнинг муҳим чизиқлари орасида ёлғиз бу чизиқ мутлақо кўринмаслиги мумкин.




25-расм. Юрак чизиғи.

2. Юрак чизиги **эмоционаллик ва мижознинг самимиятини англатади, туйғулар ва яхши кўрилган нарсаларни** билдиради. Агар у аниқ, чуқур ва яхши тус берилган бўлса, бу севги бобида муваффақият қозонишдан дарак беради.


3. Қаерда бошланишига қараб Юрак чизиги инсоннинг ҳар хил фазилатларини билдиради. Агар у Юпитер дўнглиги тагидан чиқиб келса, бу одамнинг ҳиссиётларида ҳаддидан ошиб кетишини, унга мулоҳазакорлик ёт эканлигини, у орқа олдига қарамасдан севиб қолишини ва бундан кўпинча азият чекишини билдиради. Агар чизик Юпитер дўнглиги марказидан чиқиб келса, бу одам шуҳратпараст, лекин унга ҳамма нарсада ишонса бўлади, у яхши кўрганларини ҳам, дўстларини ҳам сотмайди. Кўрсаткич ва ўрта бармоқлар орасидан бошланган чизик – вазмин ва чуқур мижоз белгиси. Сатурн дўнглигидан келаётган Юрак чизиги жуда ғайратли, шахватпараст, худбин мижозни билдиради.

4. Юрак чизигининг узунлиги ва нақши (расми) ҳам кам аҳамиятга эга эмас. Агар у жуда узун бўлса, унинг соҳиби ниҳоятда рашкчи. Кенг ва узун чизик – ҳамма нарсага шубҳа билан қараш, ҳеч нарсага қизиқмаслик белгиси. Кенг ва худди парчалангандай чизик одам қарама-қарши жинсга қизиқмаслигини англатади. Агар чизик чуқур ва ёрқин бўлса, бу эҳтирослилиқ ва қизиққонликдан гувоҳлик беради. Юракнинг ингичка ва узун чизиги одатда нозик, ҳассос, руҳий азоблардан қўрқадиган одамларга тегишли. Агар чизик заиф, ингичка ёки мутлақо бўлмаса, бундай одам ҳеч қачон катта севгини ҳис эта олмайди. Аёлларда, бундан ташқари бу нарса бепуштлиқни башорат қилиши мумкин. Узуқюлуқ чизик хиёнатга мойилликдан гувоҳлик беради. Агар Юрак чизиги ўрта бармоқ асосида бошланса, унинг соҳиби шерикларни танлай олмайди.

5. Баъзан чизик занжирга ўхшайди (26-расм) ва худди бўғинлардан иборатдай бўлади. Бу севгидан кўнгул совиши, ўзгарувчанлик, туйғуларнинг беқарорлиги, ўйнашишга мойилликдан дарак беради.



26-расм. Занжирга ўхшовчи юрак чизиги.



27-расм. Юрак чизигидаги орол.

6. Агар Юрак чизигидан кўп чизиқлар тарқаб кетса, бу яхши тақдир ва севгида бахтга эришишни башпорат қилади.

7. Юрак чизигидан Юпитер дўнглигига кетадиган икки шох омад, муваффақият, тинчлик-хотиржамликни башпорат қилади. Агар бундай шохлар учта бўлса, бу раҳмдиллик, ҳалоллик, ривожланган гўзаллик туйғусини билдиради. Шу билан бирга бундай одам ҳар қандай кайф-сафога интилади ва яхши тамадди қилишни ҳуш кўради.

8. Кўрсаткич ёки ўрта бармоқ ёнидаги крестча бу одамнинг никоҳи муваффақиятли бўлишини билдиради. Омадсиз никоҳни чизиқ охиридаги шохлар ёки унинг нотекислиги, эгри-бугрилиги ва ҳоказолар англатади.

9. Юрак чизигидаги орол (27-расм) – юрак касалликларига мойиллик белгиси. Қизил нуқталар тез-тез бўлиб турадиган ишқибозларни (омадсиз) ва, шунингдек, омадсиз никоҳни билдиради.

10. Мақсадга интилувчан, бутунлай, ишга шўнғиб кетадиган одамларда Юрак ва Ақл чизиқлари бирига жуда яқин жойлашган бўлади.


11. Агар улар орасидаги масофа кафт четига қараб ошса (Меркурий дўнглиги остида), бундай одам мунтазам такомиллашиб боради. Агар Ақл ва Юрак чизиқлари бош ва кўрсаткич бармоқлар ўртасида кичкина шохчалар ёрдамида боғланса, бу – ёмон белги. У ёмон фикрларга ва ҳаттоки ўз жонини аямасликка мойилликни башорат қилади.

Ақл чизиғи: сиз қандай фикрлайсиз


1. Ақл (Бош) чизиғи бош ва кўрсаткич бармоқлар ўртасидан бошланади, кафтга қўндаланг Марс дўнглигига қараб юради ва унинг охирига етмайди (28-расм). Кўпинча унинг бошланиши Ҳаёт чизиғи бошланиши билан қўшилиб **ақлий қобилиятларга, тафаккурга, марказий асаб тизими фаолиятига** баҳо берилади. Одамнинг ақлий қобилиятлари ҳақида тўлиқ таассурот олиш учун иккала қўлни таққослаш лозим. Чап қўл ирсиятни кўрсатади, ўнги эса фазилатларнинг ривожланиши ва такомиллашишини белгилайди. Агар ўнг қўлдаги Ақл чизиғи худди чап қўлдагидай бўлса, одам туғма қобилиятларига тўлиқ амал қилиши, уларни такомиллаштириши мумкин, лекин ёшлигида унда баъзи бир қийинчиликлар бўлади.

2. Идеал Ақл чизиғи Ҳаёт чизиғи билан бир нуқтада бошланади (29-расм), у текис, аниқ, равон кетади. Бу одам ўзини назорат қила олишини билдиради.

3. Ақл чизиғи қанчалик тўғри бўлса, ишларни охиригача етказишга мойиллик шунчалик кўп бўлади.



28-расм. Ақл чизиғи.



29а-расм ва **296-расм**. Идеал ақл чизиги.

4. Агар бир меъёрда кетаётган чизик охирида бирор бир дўнглик томонга эгилса, бу ўша дўнглик бўйсинадиган сайёрани кучли таъсиридан дарак беради. Ой дўнглигига йўналтирилган чизик жўшқин характер ва тасаввурга мойилликни билдиради, юпитер дўнглигига бўлса – инсонпарварлик, ғурурни, Қуёш дўнглиги – ишбилармонликни (бундан ташқари машхуриликни).

5. Ақл чизигининг ҳаддан ташқари қиялиги – ёмон аломат. Агар у Ой дўнглигига тушиб, кафтнинг марказий майдончаси (Марс майдони) ҳудудидан четга чиқса, бу бетайинлик, кўнгилга келган ишни қилиш, асаб тизими касалликларига мойилликни билдиради. Агар у бирдан пастга тушмаса, аввал юқорига, бармоқларга қараб юрса, бу катта бахтсизликни башорат қилади.

6. Тўғри кетадиган чуқур чизик жуда қобилиятли, ҳамиша мантиқий фикрлайдиган ва танқидий фикрлаш хусусиятига эга одамларга тегишли.

7. Агар чизик бошланишида Ҳаёт чизиги билан бирлашиб кетса, кейин эса силлиқлик билан Ой дўнглигига бурилса, бу ҳаёлнинг жўшқинлигини, бироқ мулоҳазадан устун келмаслигини билдиради.

8. Чап қўлда пастга эгилган ва ўнг қўлда тўғрилланган чизиқ одам ўз мойилликларига мос келмайдиган иш билан шуғулланишга мажбур бўлишидан дарак беради.

9. Ақлнинг аниқ, мутлақо тўғри чизиғи зиқналик, эҳтиёткорлик, ишбилармонликни билдиради.

10. Пастга букилган ва асоси ёнида (Ой дўнглиги асоси тагида) ёйсимон шаклда тугайдиган Ақл чизиғи – касалманд тасаввур белгиси. Бундай одамлар ёлғизликни хуш кўрадилар ва ҳаттоки ўз жонларига қасд қилишлари мумкин.

11. Агар чизиқ аниқ билакка букилса, одам жонли тасаввурга эга, ақлли, зиёли, лекин осмонларга учиб юради.

12. Агар ақл чизиғи эгри-бугри ва нотекис бўялган бўлса, бу ёмон характер, баджаҳллик, ўғриликка мойиллик белгиси.

13. Ақл чизиғининг узунлиги жуда муҳим. Агар чизиқ қисқа бўлса (масалан, сўфи бармоққача етса), бу енгилтаклик, калтабинлик белигиси бўлиб хизмат қилади, аёлларда – таннозлик рамзи, эркакларда – бетайинлик.

14. Агар у ўрта бармоққача етиб борса, бу кўнгилсизликдан дарак беради (истисно ҳолат). Қисқа, пастга бурилган чизиқ одам ўз диққатини жамлай олмаслигини билдиради. Кафт четигача етиб борадиган тўғри чизиқ юксак ақл-идрок ва бироз худбинлик даражасини англатади.

15. Ақл чизиғи қандай бошланишининг аҳамияти ҳам кам эмас. Агар у Ҳаёт чизиғидан ажралган ва унга худди кичик хочлар билан қадалгандай бўлса, бу ўйламасдан қилинадиган ишларга мойилликни, баъзан эса кутилиши мумкин бўлган кўз касалликларидан дарак беради.

16. Ақл ва Ҳаёт чизиқлари илдизлари қанчалик мос келиши маънавий мувозанат ўлчови бўлиб хизмат қилади.

17. Ақл чизиқлар Ҳаёт чизиғидан пастроқда бошланадиган одамлар одатда кўнглига келган ишни қилдиган, тутуриқсиз, ўзбошимча бўладилар. Бу чизиқ-

лар илдизлари орасидаги масофа қанчалик кенг бўлса, бу белгиларнинг бари шунчалик кучлироқ бўлади.

18. Ақл чизиқлари Ҳаёт чизигидан юқорироқда бошланадиган одамлар одатда истеъдодли, шуҳрат-параст бўладилар, нима исташларини доим биладилар. Булар зеҳни ўткир, янги ғояларни тушунишни ва қабул қилишни биладиган, мақсадлари сари дадил борадиган яхши раҳбардирлар.

19. Ҳаёт чизигидан юқорироқда бошланадиган ва Марс дўнглигида тугайдиган ақл чизиги асабийлик ва жуда сезувчан характерни билдиради. Бундай одамлар ўзларини тута олмайдилар, осон хафа бўладилар, арзимас гаплардан жанжал кўтарадилар, фараз қилинган хафагарчиликдан ранжийдилар. Бундай чизиқ ичкибозликка ва наркотик моддалар истеъмол қилишга мойил одамларда бўлади.

20. Агар Ақл чизиги Ҳаёт чизигидан узоқда бошланса, бундай одамлар эҳтиёткорликдан маҳрум ва ҳиссиётга берилувчан, жонкуяр эмас. Лекин бу нарсa – санъаткорларга хос бўлган табиатли шахсни ҳам билдириши мумкин.

21. Ақл чизиги Юрак чизигига яқинлашиб жуда юқори жойлашган бўлиши мумкин. Агар у иккига бўлинса ва бу шохлар бир хил бўлса, бу одамда ишбилармонлик ҳам, тасаввур ҳам бир хил ривожланганлигини билдиради. Бундай одамларга касб танлаш қийин. Бу ҳолда энг яхши йўл – ички ҳисга, ички овозга қулоқ тутиш.

22. Жуда кам учрайдиган нарсa – Ақлнинг қўшалоқ чизиги. Бу шахснинг иккиюзламачилиги ва юксак заковат белгиси саналади. Бундай одамлар одатда атрофдагиларга сеҳрли таъсир кўрсатиб, ўз измиларига сола оладилар.

23. Ақл ва Юрак чизиқлари қўшилиб кетган ҳоллар ҳам бўлади. Бу кучли таъсирчанлик ва фавқулодда фикрни бир жойга тўплай олиш қобилиятини англатади. Бундай одамлар – ёлғиз, улар жамоада ишлашни яхши кўрмайдилар ва ҳаттоки дўстлари бўла туриб, ёлғизликни афзал биладилар.

24. Ақл чизигини ўргана туриб, унда учраши мумкин бўлган махсус белгиларга эътибор қаратиш керак. Шундай экан, агар чизик юлдузча билан тугаса, бу ақлдан озишдан дарак бериши мумкин. Сўфи бармоқ рўпарасидаги айлана кўр бўлиб қолишни башорат қилади. Орол ақлий чарчаш, жазавага тушиш, фалаж бўлиш эҳтимолини билдиради. Бир нечта ороллар – асаб тизими касалликлари белгиси. Агар чизик ўртада узилган, иккинчи ярмининг охирида тўртбурчак шакли бўлса, бу рўй бериши мумкин жароҳатлар ва яраларни англатади. Биринчи бўлагининг охирида нуқта бўлган узилган чизик (агар бунда Қуёш дўнглигида юлдузча бўлса) мия касаллигидан дарак беради.

Ҳаёт чизиги: қандай, қаерда ва нима учун


1. Ҳаёт чизиги энг доимийдир. У Юпитер дўнглиги асосида (бош ва кўрсаткич бармоқлар орасида) бошланади ва Зуҳра дўнглигини ёйсимон ўраб олади (30-расм). Барча даврнинг хиромантлари унга қараб **умрининг узоқлигини** башорат қилганлар.

2. Чап қўлда у одам ирсиятини кўрсатади, ўнг қўлда эса барча бўладиган ва бошдан кечирган воқеалар ва касалликларни белгилайди.

3. Текис, аниқ, ингичка, унчалик чуқур бўлмаган, узилмаган, бегона белгилар (нуқталар, юлдузчалар, хочлар ва ҳоказолар)сиз чизик Ҳаётнинг бенуқсон чизиги ҳисобланади.

4. Агар бу чизик узун ва ёрқин бўлса, бу – жисмоний ва руҳий барқарорлик белгиси.

5. Ҳаётнинг ҳаддан ташқари ингичка чизиги,



30-расм. Ҳаёт чизиги.

ҳаттоки узун, яхши чизилган ва тоза бўлса ҳам, ўзгариб турувчан соғлиқ, асабийликни билдиради, лекин барибир узоқ умрни башорат қилади.

6. Ҳаётнинг узун ва ингичка чизиги таъсирчан ва мулоим одамларда бўлади, лекин бу одамлар тиришқоқ ва сабмли бўлишлари мумкин.

7. Жуда кенг чизиқ ғайратдан кўра, кўпроқ жисмоний кучни билдиради.

8. Агар у кенг, чуқур ва қизил бўлса, одам одатда қўпол, баджаҳл ва, ҳаттоки жиноятларга мойил бўлади.

9. Агар Ҳаёт чизиги узун ва охирида иккига ажраб кетса, бу одам мутлақо касални юқтирмаслигини билдиради.

10. Қисқа ва ўта ёрқин чизилган чизиқ кучли ва бардошли, лекин кучларни ҳаддан ташқари сарфлашга мойил одамни англатади.

11. Агар чизиқ нотекис кетса, бурилса, бир хил бўлмаган чуқурлик ва аниқликка эга бўлса, бу омонат соғлиқни билдиради, лекин эрта ўлимни англатмайди. Ҳаёт чизигининг узунлиги аслида унчалик муҳим эмас. Асосийси – ўзига, ўз соғлиғига ва атрофдагиларга қандай муносабатда бўлиш. Пировардида кафтдаги барча белгилар – бу огоҳлантириш, холос. Ҳаддан ташқари таваккал қиладиган ва кучларини ўйламасдан сарфлайдиган одам, ҳаттоки унинг Ҳаёт чизиги ниҳоятда узун бўлса ҳам, жиддий касалликлар ва бахтсиз ҳодисалардан кафолатланмаган.

12. Ушбу чизиқнинг узилиши касаллик ёки унга мойилликни билдиради, айниқса, агар у иккала қўлда ҳам бўлса. Нохуш аломат – агар Ҳаёт чизиги кескин узилган бўлса. Бу хавфли касалликни ҳам ёки яқин келажакда умр поёнига етиши мумкинлигини ҳам англатади (истисно ҳолатларда). Лекин чизиқнинг узилган жойлари тўртбурчакка ўхшаш белги билан боғланган бўлса, ҳар қандай касаллик ёки кўнгилсизликлар яхши тугайди.

13. Ҳаёт чизигининг бошланиши қандай кўринишда эканлиги жуда муҳим. Агар у иккига ажраса ёки

санчқи ҳосил қилса, бу ўта мустаҳкам соғлиқдан дарак беради.

14. Агар Ҳаёт чизиги Ақл чизигига ёндош равишда иккига бўлинса ва Ақл чизиги ноаниқроқ бўлса, бундай одам иш-лашга одатланмаганини билдиради. У ўзини яхши кўради, ўзига эътибор талаб қилади ва устунликка интилади.

15. Агар Ҳаёт чизиги Юпитер дўнглиги асосининг тепасида бошланса, одам ўзини назорат қила олади.


16. Бу чизиқдаги орол – ёмон белги: заиф соғлиқ, камқонлик, ҳолсизланиш, озғинлик. Баъзи бир хиромантлар, шунингдек, буни сирли келиб чиқиш белгиси деб ҳисоблайдилар.

17. Ҳаёт чизигининг юқори ва пастга йўналтирилган шохлари бўлиши мумкин. Юқорига, Ақл ва Юрак чизиқларига бораётган шохлар ҳаётини эзгуликлар, муваффақиятлардан дарак беради, жуда фаол ҳаётни англатади. Бойликнинг ўта ишончли белгиси деб Ҳаёт чизигидан учбурчакнинг ички томонига кетаётган шох ҳисобланади.


18. Ҳаёт чизигининг пастга тушаётган шохлари қашшоқлик ва омадсизликни билдиради.

19. Агар шох Ой дўнглигига йўналтирилган бўлса, ватандан йироқда – хорижда кўп яшагандан кейинги ўлимни англатади.

20. Ҳаёт чизигининг боши ёки охирида хоч (ўзаро кесишган икки чизиқдан иборат белги) бўлиши мумкин. Чизиқ бошидаги хоч (бош ва кўрсаткич бармоқлар ўртасидан юқорига) омадсизликлар, мусибатларга тўла ҳаётни билдиради, пастга бўлса – бахтли ҳаёт ёки кексаликни.



31-расм. Сингил чизиги.



32-расм. Тақдир чизиғи.

21. Қўшалоқ Ҳаёт чизиғи бахт ёки бойлиқдан дарак беради (баъзи хиромантлар уни ўта сезувчанлик белгиси деб ҳисоблайдилар). Агар жуфт чизиқлардан бири узилган бўлса, бу хавфсиз касалликни билдиради.

Шу ўринда баъзи хиромантлар томонидан эътироф этилган **Сингил чизиғи** ҳақида ҳам тўхталишни лозим топдик. Аксарият одамларнинг қўлида Ҳаёт чизиғи

билан ёнма-ён бош бармоқ тарафда жойлашган ингичка ёндош чизиқни учратиш мумкин. У қўпинча Ҳаёт чизиғининг бошида жойлашади. Омадли кишиларнинг кафтида баъзан бу чизиқ Ҳаёт чизиғининг бор бўйича ёндош жойлашгани сабабли Ҳаёт чизиғи гўё икитадек таассуротни уйғотади (31-расм). Бу чизиқ инсон ҳаётини қўриқлайди. Бошқача айтганда, ҳар қандай одамнинг бошига оғир фалокат солиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар унга зиён-заҳмат етказмайди. Шунинг учун бўлса керак айрим хиромантлар Сингил чизиғини **«Қўриқловчи фаришта»** деб аташади. Бу чизиқ доимо яхшилик аломати ҳисобланади. Агарда у Ҳаёт чизиғининг охирига тақалса, бу инсон жуда кексайиб қолган даврда ҳам фаол ҳаёт тарзини олиб боришини англатади.

Тақдир чизиғи: сизни нима кутмоқда?

1. Одатда Тақдир чизиғи Билагузук (билакни ўраб турган чизиқ)дан, Зуҳра ва Ой дўнгликлари оралиғидан бошланади ва ўрта бармоқ томонга боради (32-расм). Бу чизиққа қараб **бўлиб ўтган ва бўладиган воқеа-**

ларни, барча ўзгаришлар: муваффақиятлар, омад-сизликлар, тўсиқлар, иш соҳасига боғлиқ ҳодисалар ва ҳоказоларни олдиндан билиб олиш мумкин.

2. Агар Тақдир чизиги Ҳаёт чизигидан бошланса, одамнинг муваффақияти унинг ўз уринишларига боғлиқ ва унинг ёшлиги қийинчиликларга тўла бўлади. У Ҳаёт чизигига жуда яқин жойлашганда ва ундан чиқаётгандай бўлганда, бу яхши соғлиқ ва изтиробларсиз бахтли ҳаётни башорат қилади.

3. Агар Тақдир чизиги кафт ўртасидан тўғри Юрак дўнглиги томонга юрса, бу омад, маваффақият ва бахт белгиси.

4. Баъзан чизиқ ўртасидан бошлаб аниқ бўла бошлайди. Бу одамнинг ҳар қандай қийинчиликларни енга олишини ва ҳамма нарсага фақат ўз интилиши орқали эришишини билдиради.

5. Марс майдони ёнгинасидан бошланадиган Тақдир чизиги инсонни эзиб турган шум тақдирни ва, ҳаттоки ўз жонга қасд қилишни башорат қилиши мумкин.

6. Агар бу чизиқ Ақл чизигидан узоқлашса, унинг соҳиби фақат ўз ақли туфайли муваффақиятга эришади.

7. Тақдир чизиги Марс дўнглигида бошланса, одамни курашларга ва қийинчиликларга тўла оғир ҳаёт кутаётганини ва бу қийинчиликни фақат ақли, иродаси ва жасорати ёрдамида енгиб ўтиши мумкинлигини билдиради.

8. Чизиқнинг Ой дўнглигида бошланиши ўзгарувчан тақдирни, кўп тасодифларни, атрофдагиларнинг иштаклари ва инжиқликларига боғлиқликни башорат қилади. Бундай чизиқ соҳиблари одатда ҳаёлпараст, бой тасаввурга эга ва жуда омадли.

9. Агар Тақдир чизиги Билагузукдан бошланса ва Ой дўнглигидан шохларга ажралса, бу омадли никоҳдан дарак беради, шунингдек, ниҳоятда жавобгарлик ва мулоҳазаиликни англади.

10. Ҳаёлпараст ва ўта эҳтиросли одамларда Тақдир чизиги икки шохдан бошланиши мумкин (бири Зух-

ра дўнглигидан бошланади, иккинчиси – Ой дўнглигидан).

11. Агар чизик тўғри Сатурн дўнглигига борса, бундай одам ўз тақдирини бошқара олмайди. У билан бўлиб ўтадиган нарсаларнинг барчаси воқеаларнинг бир-бирига тўғри келиб қолишига боғлиқ.

12. Ақл чизиги ёнида тугайдиган қисқа Тақдир чизиги бу чизик соҳиби ўзининг аҳмоқлиги туфайли мартабага эриша олмаслигини билдиради, чунки у телбанамо ҳаракатларга мойил. Агар бу чизик Юрак чизиги билан қўшилиб кетса, бундай одам севги туфайли бахтли бўлади, уни ҳамма ишларда муваффақият кутади. Лекин агар чизиклар жуда ингичка бўлса, бу – совуқ қалб белгиси.

13. Тақдир чизигидан ажраб кетадиган шохлар турли хил мазмунга эга: агар улар юқорига йўналтирилган бўлса, бу одамнинг тақдири шахсий хизматларига лойиқ бўлишидан дарак беради, пастга бўлса, омадсизликларни англатади. Юпитер дўнглигига борадиган шохлар одам бошқаларга катта таъсир кўрсата олишини билдиради. Бундан ташқари, бу ҳокимият ва тақаббурлик белгиси. Қуёш дўнглигига борадиган шох муваффақият ота-оналарга (уларнинг жамиятдаги мавқеига ва уларнинг бойлигига) боғлиқлигини билдиради.

14. Агар шох Меркурий дўнглигига йўналтирилган бўлса, бу фан ва савдо соҳасидаги муваффақиятларни англатади.

15. Агар Тақдир чизиги сўфи бармоқ асосида тугаса, атрофдагиларга кўп жиҳатдан боғлиқликни билдиради. Бундай чизикли одамлар учун улар ҳақида ўзгалар нима дейишлари ва ўйлашлари жуда муҳимдир. Мазкур чизик санчқисимон (вилкасимон) тугаган бўлса, яхши эмас. Бундай одамни жуда кўп қийинчиликлар кутиб туради ва у уларни енгиб ўтиши даргумон. Тақдир чизиги охиридаги хоч бахтсиз ҳодисани башорат қилади.

16. Чизикнинг расми (нақши) ҳам жуда муҳим. Агар у аниқ ва чуқур бўлса, унинг соҳиби ўз имкониятла-

ридан яхши фойдалана олади. Эгри, синиқ чизиқ ҳаётдаги катта ўзгаришларни билдиради. Чизиқдаги битта узилиш – одам касбини ўзгартиришига тўғри келиши рамзи. Агар узилишлар кўп бўлса, бу қийинчиликлар, кўнгилсизликлар, бетайинликни англатади.

17. Узуқ-юлуқ чизиқ унинг соҳиби журъатсиз, фикрлари, юксак орзулари, мақсадларини тез-тез ўзгартириб турувчи одам эканлигини билдириши мумкин.

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ЧИЗИҚЛАР


Кафтда асосий чизиқлардан ташқари фол очишда муҳим бўлган иккинчи даражали чизиқлар (Муваффақият, Соғлиқ, Эрга тегиш (Уйланиш), Зухра Ҳалқаси (Камари), Ички ҳис, Шаҳватпарастлик, Сатурн ва Соломон (Сулаймон) ҳалқалари ва бошқалар) ҳам бор. Асосий чизиқлар ҳар бир инсонда албатта бўлади, аммо айрим иккинчи даражали чизиқлар кафтда бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳар бир инсонда иккинчи даражали чизиқлар ўзига хос миқдорда, яъни барчаси бўлиши, умуман ёки жуда кам учраши мумкин.

Ҳар кунги бошдан кечирилаётган нотинчлик ва стресслар кўп сонли иккинчи даражали чизиқларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб ҳисобланади. Ҳотиржам ва вазмин инсонларда, кўнгли нозик ва ташқи таъсирларга берилувчан инсонларга қараганда, иккинчи даражали чизиқлар нисбатан кам бўлади.

Муваффақият (Бахт, Истеъдод) чизиғи: сирни ошкор этади

1. Хиромантлар Муваффақият чизиғини Қуёш, Аполлон чизиғи деб ҳам аташади (33-расм). Бу чизиқ кафтда бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин агар у бўлса, Тақдир чизиғининг яхши аломатларини тасдиқлайди. Ким Муваффақият чизиғига эга бўлса, тезда эътироф қозонади ва ўз мақсадига эришади.

2. Муваффақият чизиғи ўзгарувчан: у Ҳаёт чизиғидан ҳам, Ой дўнглигидан ҳам ва улар оралигидан ҳам бошланиши мумкин. Лекин у доимо сўфи бармоққа боради. Кўпчилик



33-расм. Муваффақият (Қуёш, Аполлон) чизиғи.

хиромантлар сўфи бармоқ тепалигидаги чизиқни, у қаердан бошланишидан қатъи назар, Муваффақият чизиги деб ҳисоблайдилар. Ва бари бир бу чизиқнинг қаердан бошланиши жуда муҳимдир. Агар у Ҳаёт чизигидан бошланса, унинг соҳиби буюк артистларга хос бўлган туғма истеъдодга эга ва ҳар қандай ижодий иш унга омад келтиради.

3. Агар муваффақият чизиги Тақдир чизигидан бошланса, унинг соҳиби санъатга мойил, лекин муваффақият унга кеч келади (шунда ҳам агар у касбни тўғри танлай олса).

4. Ой дўнглигидан бошланадиган чизиқ – артистлар ва жамоат арбоблари учун яхши белги. Ақлий меҳнат билан шуғулланувчиларга муваффақиятни Ақл чизигидан бошланадиган Муваффақият чизиги башорат қилади. Агар у Юрак чизигидан бошланса, унинг соҳиби никоҳда бахтли бўлади. Агар бу чизиқ сўфи бармоқ асосигача борса, барча эзгу аломатлар кучаяди.

5. Муваффақият чизиги, агар унда кичик хочлар, чуқурчалар ва бошқа алоҳида белгилар бўлмаса, доимо фақат яхши нарсаларни башорат қилади. Масалан: агар у уч шохга бўлиниб кетса, бу ҳурмат, бойлик ва шуҳратни билдиради. Агар у узун ва кучли чизиб чиқилган бўлса, унинг соҳиби ҳар қандай натижага ҳеч бир зўриқишсиз эришади.

6. Ақл чизигида тугайдиган Муваффақият чизиги бундан ташқари муваффақиятга эришишни англатади (лекин бунинг учун баъзи бир қийинчиликларни енгиб ўтиш керак).

7. Кичкина чизиқлардан иборат қўшалоқ чизиқ – турли соҳаларда муваффақиятни башорат қилувчи ҳар томонлама ривожланиш белгисидир.

8. Энг бахтли белги – юлдуз. У барча истаклар ва ниятлар амалга ошишини билдиради.

9. Агар Муваффақият чизиги бўлмаса, одам ҳаттоки ақлли ва истеъдодли бўлса ҳам, эътибор қозониш жуда қийин кечади.

10. Агарда чизиқ қалин бўлса, унда машҳурлик таъминланган.

11. Чизик охиридаги айрилиш бирор бир мақсадсиз ўз қобилиятини сарфлашга мойилликни англатиши мумкин.

Саломатлик чизиги: соғлиқни аниқлаш учун диагноз

1. Саломатлик чизиги Меркурий дўнглигида бошланади ва пастга қараб Муваффақият чизигига параллел равишда кафт асосига томон кетади (34-расм).

2. Аъло саломатликни билдирувчи энг яхши белги – ҳеч бир белгиларсиз тўғри, аниқ чизикдир. Шуниси қизиқки, агар кафтда мазкур чизик умуман бўлмаса ҳам, бу барча ички аъзоларнинг яхши ҳолатда эканлигини англатади.

3. Агар Саломатлик чизиги Меркурий дўнглиги асосидан пастга қараб юрса ва Ҳаёт чизиги билан кесишса, уларнинг кесишган жойи ўша ёшдаги касалликни билдиради. Агар бу чизиклар кенлиги, чуқурлиги ва бўялишига қараб бир хил бўлса, кесишиш нуқтаси кўнгилсизликни англатиши мумкин (истисно ҳолатларда).



34-расм. Саломатлик чизиги.

4. Баъзан Саломатлик, Тақдир ва Ақл чизиклари учбурчак ҳосил қилишлари мумкин. Бу табиатта муҳаббат ва кузатувчанлик белгисидир.

5. Саломатлик чизиги Юрак чизигидан бошланиб Ҳаёт чизиги орқали ўтадиган одамлар заиф юракка эга бўладилар.

6. Меркурий дўнглигидан тўғри Ой дўнглигига борадиган Саломатлик чизиги юксак даражадаги нотиқлик санъати, уддабуронлик, айёрлик, чаққонлик, бой тасаввурни билдиради.

7. Бу чизиқни ўрганишда унинг ранги ва расми (нақши)га эътибор бериш керак. Занжирга ўхшаш чизиқ одатда асабий, тез таъсирланадиган одамларга тегишли.

8. Ўралган ва нотекис чизиқ – жигар касаллиги ва овқат хазм қилиш ёмонлиги белгисидир. Ундаги орол ахлоқий беқарорлик аломати бўлиб хизмат қилади.

9. Агар Саломатлик чизиғи жуда чуқур бўлса ёки Ақл ва Юрак чизиқлари билан қўшилиб кетса, бу мия шамоллашини башорат қилади.

10. Ноаниқ ва парчаланган чизиқ ҳар хил касалликлар хавфидан огоҳлантиради.

11. Саломатлик чизигининг «йўлдоши» ҳам бўлиши мумкин, яъни кичик чизиқчалардан иборат, кафт четига яқин борадиган майда чизиқ. Уни хиромантлар **Сомон йўли** деб аташади. Бундай йўл бахтли ҳаётдан дарак беради.

12. Мазкур чизиқни айрим хиромантлар **Меркурий чизиги** деб ҳам аташади. Уларнинг таъкидлашича, Меркурий чизиғи тана ва ақл орасидаги мувозанатга жавоб беради ва қуйидагиларни башорат қилади:

а) Чизиқнинг йўқлиги ҳушёр ва ўткир ақлдан хабар беради.

б) Кучсиз, ноаниқ чизиқ – бойликни ва эгаллаган мавқеини йўқотиш белгиси.

в) Агарда у Ҳаёт чизигидан бошланса, бу омад, муштаҳкам соғлиқни англатади.

г) Чизиқ агарда билагузуклардан бошланса, бу белги савдода муваффақият ва яхши ном қозонишни билдиради.

д) Ақл чизиғига борадиган айрилиш ақлий тиришишлар туфайли орттириладиган мол-дунёдан башорат қилади.

Турмуш қуриш (Уйланиш, Эрга тегиш) чизиғи: никоҳ – бахт ёки бахтсизлик


1. Турмуш қуриш (Никоҳ, Уйланиш, Эрга тегиш) чизиғи Меркурий дўнглиги асосининг ёнида жойлашган (35-расм). Агар у чуқур ва аниқ бўлса, бу – ҳақиқатдан ҳам эрга тегиш ёки уйланиш, агар у қисқа ва заиф (ёки бу ингичка чизиқчалар қатори) бўлса, енгил-елпи муҳаббат белгиси. Мазкур чизиқ Юрак чизигига қанчалик яқин бўлса, никоҳ шунчалик эрта бўлади.

2. Агар Турмуш қуриш чизиғи юқорига бурилса, унинг соҳиби шубҳасиз уйланмайди (эрга тегмайди).


3. Агар мазкур чизиқ жуда аниқ бўлса ва пастга бурилса, одам турмуш ўртоғидан узоқроқ яшайди. Бу фикр одамлар кексаликкача яшаб, табиий ўлимдан вафот этган ҳодисаларга тааллуқли. Агар ўлим бахтсиз ҳодиса ёки касаллик туфайли рўй берса, бу нарсa чизиқларда ҳеч қандай акс этмаган.

4. Мазкур чизиқнинг охирида иккига ажраши айланилиқни, агар бу ажралиш кафт ичига қараб кетса – ажралишни башорат қилади.

5. Кафт марказига қараб кетган ва Муваффақият чизиғи билан қўшилиб кетган чизиқ омадли ва бахтли



35-расм. Эрга тегиш
(Никоҳ, Уйланиш) чизиғи.



36-расм. Фарзанд чизиғи.


никоҳни ваъда қилади. Ой дўнглигидан бошланган ва Тақдир чизиги билан қўшилиб кетган чизик ҳам бахтли никоҳдан дарак беради.

6. Турмушга чиқиш чизигидан ажраб кетаётган майда чизиклар болаларни билдиради (36-расм). Узун ва чуқурлари ўғил болани, қисқа ва кенглари – қиз болани. Агар чизиклар аниқ бўлса, болалар соғлом бўлади, рангсиз ва нотекис бўлса – болалари нимжон бўлади. Шу ерда бир изоҳни келтириб ўтиш зарур. Замонавий тиббиёт одамга зарур бўлганда номақбул ҳомиладорликдан сақланиш ёки уни тўхтатиш учун барча имкониятларни беради. Шунинг учун болалар сони ҳақида эмас, балки уларга эга бўлиш имкониятлари миқдори ҳақида гапириш одобдан бўлар эди. Бу имконият амалга ошадими ёки йўқми – бу ҳар бир кишининг шахсий иши. Бундан ташқари, бу чизикчалар одам чин қалбдан боғланиб қолган бегона болалар сонини ҳам билдириши мумкин. Агар чизикчалар мутлақо бўлмаса, бу мутлақо бепуштликини эмас, балки бола кўришни истамасликини билдиради.

7. Эрга тегиш (Уйланиш) чизиги ҳақида яна бир нечта изоҳ бериш мақсадга мувофиқдир. Қўлда одам ҳаётида из қолдирган барча интим муносабатлар акс эттирилади. Буларнинг ҳаммаси ҳам расмий эмаслиги аён. Кўплаб мутахассислар Эрга тегиш (Уйланиш) чизиклари барқарор жинсий алоқаларни кўрсатади ва улар ўзгариб туриши мумкин, деб ҳисоблашга мойилдирлар. Бундан ташқари қўл 25 ёшгача шаклланишни давом эттиради, демак ундаги чизиклар ҳали барқарор эмас.

8. Яна бир жиҳат қизик. Ўнг қўл – етакчи (ўнақайлар учун), демак унда қарама-қарши жинс вакиллари билан онгли муносабатлар акс эттирилган. Чап қўлда эса шунчаки бирор одамга интилишни кўриш мумкин – агар у етарли даражада кучли бўлса.

Саёҳат чизиги: ўзга юртда сизни нима кутади?



37-расм. Саёҳат чизиги.

1. Бу чизик(лар) Ой дўнглигидан кафт асоси томон боради (37-расм).

2. Озгина миқдордаги чуқур ва ноаниқ чизиклар саёҳатлар туфайли ҳаёт тарзининг ўзгаришини кўрсатади.

3. Агарда чизиклар Тақдир чизигига тақалса, унда инсоннинг тақдири тез-тез такрорланиб турадиган саёҳатлар туфайли ўзгариб кетиши мумкин, бундай шахс атроф-муҳитга тез мослашади.

4. Агарда чизиклар Ҳаёт чизигига тақалса, ижобий ўзгаришлар юз беради.

5. Агарда чизиклар ҳаёт чизигини кесиб ўтиб, Зухра дўнглигида тугалланса, бундай инсон суюкли ёри билан бирга бўлиш учун саёҳатларга чиқади.

6. Ноаниқ чизиклар кетма-кет саёҳатлардан далолат беради.

Таъсир чизиги: ижобийми ёки салбий

1. Таъсир чизиги Зухра дўнглигидан Марс дўнглигининг юқори ва пастки қисмига вертикал, горизонтал ёки концентрик (битта умумий марказга эга бўлган) ҳолатда яқинлашади (38-расм).

2. Горизонтал чизик – ижобий аломат.

3. Агарда чизик Зухра дўнглигидан бошланиб, Ҳаёт чизигида тугалланса, атрофдагилар инсоннинг ҳаёт тарзига ўзгаришлар киритишини, таъсир ўтказишини англатади.

4. Зуҳра дўнглигидан юлдуз шаклида бошланиб, ҳаёт чизигига тақалса, севган инсонини йўқотиш туфайли қайғу-аламга ботишни англатади.

5. Агар чизик Юрак чизигида тармоқларга бўлиниб тугалланса, бу белги севган киши томонидан қаттиқ таъсир остига олинишни англатади, натижа муносабатларнинг тугалланиши билан якун топади.


6. Агарда чизик Зуҳра дўнглигидан бошланиб, Ақл чизигида тўхтаса, бундай инсон мустақил бўлолмайди ёки муаммоларни ечиш учун тез қарор қила олмайди.

7. Агарда чизик Зуҳра дўнглигидан бошланиб, Турмуш қуриш чизигини кесиб ўтса, севган кишингиз ёки қариндошларингиз билан орангизда чуқур нафрат мавжуд, бу кучли безовталикка сабаб бўлади.


8. Агарда чизик Тақдир чизиги билан қўшилса, суюкли инсонининг таъсирида мартабаси ва ижтимоий аҳволи яхшиланади.

Марс чизиги: кимнинг таъсиридасиз?

1. Бу чизик (лар) чуқур, битта умумий марказга йўналган шаклда бўлиб, Зуҳра дўнглигининг ичида жойлашган (39-расм).



38-расм. Таъсир чизиги.



39-расм. Марс чизиги.

2. Агарда улар Ҳаёт чизигидан узоқда жойлашса, унга таъсир ўтказаётган субъект ундан жуда узоқда туради.


3. Бир нечта умумий марказга йўналган ёндош чизикларнинг ифодалашича, бундай одамга бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳурмат қилаётган инсонлар таъсир кўрсатиши мумкин.

4. Қисқа ва чуқур чизик кучли босим остидаги таъсирдан жафо кўрган инсонни англатади, у охир оқибат ундан шикастсиз қутилади.

Ички ҳис чизиги: олтинчи ҳиссиёт неларга қодир

1. Ички ҳис (Интуиция, Савқи табиий) чизиги – Меркурий дўнглигидан Ой дўнглигига қараб борадиган ярим айлана (40-расм). Унинг борлиги ички ҳисси, сеза билиш, кўра билиш қобилиятлари кучли ривожланган ўта сезгир шахсни англатади. Бундай чизик кўпроқ аёлларда, файласуфона фикрлаш қобилияти бор одамларда, артистларга хос табиатли шахсларда учрайди.

2. У бизнинг олтинчи туйғумиз ва ҳодисаларни башорат қилиш имкониятимизга жавоб беради.



3. Юпитер дўнглигидан тармоқланган чизик – ички ҳис билан сезиш қобилиятимиз туфайли шон-шавкатга эришимизни кўрсатади.

4. Тармоқланган, Тақдир чизигига тақалган чизик соҳибини интуитив қобилияти сабабли омад кутади.

5. Тоза, кўзга яққол ташланадиган чизик кучли ички овоз соҳибидан дарак беради. Шунингдек, омад ва ютуқларни олиб келади.

40-расм. Ички ҳис чизиги.

Шаҳватпарастлик чизиғи: эҳтирос ва лаззат

1. Шаҳватпарастлик чизиғи – ғалати ва ғайриоддий белги. У ярим айлана шаклида Ой дўнглигини Зухра дўнглиги билан бирлаштириб келади ёки Ой дўнглигидан билакка қараб боради (13-расмга қаранг).

2. Бу чизиқ – катта эҳтирослилиқ ва сезувчанлик аломати. Агар у Ҳаёт чизиғини кесиб ўтса, унинг соҳиби ёмон соғлиқдан эмас, балки лаззатларни суиистеъ-мол қилишдан вафот этиши мумкин.


3. Агар Шаҳватпарастлик чизиғи Ой дўнглигидан билакка қараб борса, унинг соҳиби бой тасаввурга эга, туйғу ва истакларга тўла, наркотик ва алкоголь ичим-лик истеъмол қилишга мойил.

4. Агар одамда Шаҳватпарастлик чизиғи бор ва бу билан бирга Ақл чизиғи узилган ёки Ой дўнглиги томонга эгилган бўлса, ғайриоддийлик ва ҳаддан ташқари сезувчанлик унинг мартабасига путур ет-казади.


Зухра ҳалқаси (Камари): миждозингизни биласизми

1. Бу чизиқ жуда кам учрайди. У анча тик ёй бўлиб (бутун ёки узилган), кўрсаткич ва ўрта бармоқлар ора-лиғидан сўфи бармоқ ва жимжилоқ оралиғигача чўзи-лади, яъни Сатурн ва Қуёш дўнгликларини ўраб ола-ди (41-расм).

2. Қадимда хиромантлар Зухра ҳалқаси соҳибла-рини ўта тартибсизлик мансуб деб ҳисоблаганлар. Лекин кўпчилик мутахассислар ҳалқанинг текис якка чизиғи фақат яхши соғлиқ, мустаҳкам тана тузили-ши ва ҳаёт энергиясининг катта захирасидан дало-лат беради деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, бу нар-са асабий, ўта сезгир, кўнгли нозик (жиззаки) харак-терли, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа осонгина ўтиб кетади-ган ўзгарувчан кайфиятга мойил шахсни англатади деган фикр ҳам мавжуд.



41-расм. Зуҳра ҳалқаси
(камари).



42-расм. Сатурн ҳалқаси.

3. Агар Зуҳра ҳалқаси аниқ ифодаланган бўлса, бундай одам қарама-қарши жинс вакилларини ўзига жалб қила олади.

4. Жуфт ёки учталиқ ҳалқа майин ва нам қўлларга эга дангаса ва сезувчан аёлларда учрайди.

5. Агар Зуҳра ҳалқаси кафт четигача борса ва Эрга тегиш чизигига тегса, никоҳдаги бахтни сақлаб қолиш жуда қийин бўлади.

6. Бу чизик ёмон башоратларни енгиллатиши мумкин. Масалан, Ҳаёт чизиги эрта ўлим ёки кўплаб касалликлардан башорат қилса, Зуҳра ҳалқаси бу хавфхатарни бутунлай бартараф қилади.

7. Зуҳра ҳалқасига эга бўлган одамлар ҳар қандай иш билан машғул бўладилар – ҳаттоки мутлақо тасодифан шуғулланаётган ишлари билан ҳам. Бундан ташқари, улар ўзи ва шеригига ҳақиқий лаззат бағишловчи кучли муҳаббатга қодирлар.

Сатурн ҳалқаси: кўринганингиз кабимисиз?

1. Сатурн ҳалқаси – ноёб белгилардан бири. У Сатурн тепалигини узук сингари ўраб олади (42-расм) ва унинг соҳиби беқарор, ҳеч қачон ҳаётга татбиқ эт-

майдиган режа ва ғояларга тўла эканлигидан дарак беради, чунки унда қунт билан сабр етишмайди.

2. Бундай одамлар одатда омадсиз, ғамгин сўққа-бош бўлади.

3. У ёлғизлик ва пессимизм рамзи ҳисобланади.


4. Бундай ҳалқа соҳиблари адоватли ва одамови.

Юқорида берилган чизиқлардан ташқари **Сулаймон (бошқача номи Соломон) ҳалқаси** ва **Безовталиқ (Нотинчлик) чизиқлари** ҳам мавжуд.


Сулаймон ҳалқаси жуда ноёб белги (қўрсаткич бармоқ остидаги ярим айлана) бўлиб, мўъжизакор илоҳий кучга муҳаббатни билдиради (43-расм).

Аксарият одамларнинг кафтида бош бармоқ асосидан бошланиб ҳаёт чизиғи томон борган, баъзан уни кесиб ўтган жуда кўп ингичка чизиқларни учратиш мумкин. Бу кичкина, ингичка чизиқлар **Безовталиқ (Нотинчлик) чизиқлари** деб аталади (44-расм).

Сиз шунга бемалол амин бўлингки, ҳамма ёғи жин-вир-живир бундай чизиқлар билан тўлган кафтларни умрингиз давомида ҳали жуда кўп кўрасиз. Мазкур чизиқлар билан кафти қопланган инсон доимо ва ҳамма нарсадан безовта бўлади. Агарда Нотинчлик



43-расм. Сулаймон ҳалқаси.



44-расм. Безовталиқ (Нотинчлик) чизиқлари.

чизиқлари қўлда озгина бўлса, уларнинг ҳар бири ўтмишда бўлиб ўтган ва келажакда кутилаётган жиддий муаммолар сонини, даврини кўрсатади. Баъзан сизга кафтларида Безовталиқ чизиқлари йўқ бўлган одамлар учраши мумкин. Бу белги дунёни сув босса тўпиғига ҳам чиқмайдиган боқибегамдан далолат беради, айти вақтда уларнинг умр йўлдошлари кафтига назар солсангиз: ўнлаб Безовталиқ чизиқлари билан живирлаштириб юборилган!

Агарда Нотинчлиқ чизиқлари Ҳаёт чизигини кесиб ўтса, бу инсоннинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жиддий кўнгилсизликни башорат қилади.

АЛОҲИДА БЕЛГИЛАР

Чизиқлар ва дўнгликларда жойлашган алоҳида белгилар (45-расм), шунингдек, улар ўртасидагилар характернинг айрим ва кўпроқ ифодаланган жиҳатларидан гувоҳлик бериши ёки аломатларни (яхшилари-ни ҳам, ёмонларини ҳам) кучайтириши хиромантлар томонидан аниқланган.

Марс майдони. Марс майдони – кафт ўртасида жойлашган бўртиқ жой. Унинг борлиги жасурлик ва шижоатдан дарак беради.

Хоч. Хоч (ўзаро кесишган икки чизиқдан иборат белги) – жуда қизиқарли белги, негаки у ҳар хил мазмунларга эга. Яхши (тўғри, равон, кўзга аниқ ташланадиган) чизиқда у ёмон белги бўлиб хизмат қилади, ёмони (яхшининг акси)да эса аксинча, яхшилик аломати саналади.

Умуман, хоч қийналиш, иккиланиш, хавф белгиси ҳисобланади. Чизиқ бошида бўлса, у унинг намоён бўлишини тўхтатиб туради, охирида – ақл бовар қилмайдиган таъсирга ишора қилади, ўртасида эса – вақтинчалик тўсиқни англатади.

Меркурий дўнглигидаги хоч – ўфриликка бўлган енгиб бўлмас иштиёқ белгиси. Ой дўнглигида у одамга сув офати: кема ҳалокати, сув тошқини, чўкиб кетиш хавфидан дарак беради. Юпитер дўнглигида эса – бу яхши белги. Агар у аниқ ва очиқ ифодаланган бўлса, у бахтли никоҳга ишора қилади. Муваффақият чизигидаги крест енгил қийин бўлган тўсиқни англатади.

Сирли хоч. Бу белги кафт ўртасида ажралиб туради. У сирли нарсаларга қаттиқ ишонадиган, хурофотга берилган одамларда учрайди. Агар у кафт ўртасидан юқориқда бўлса, бу ўз ҳаётига қизиқишни билдиради.

Билагузуклар. Билагузуклар билакни ўраб турган чизиқлар орқали ифодаланади. Бундай чизиқлар битта ҳам ва бир нечта ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг асосий хусусиятлари – тозалик, узлуксизлик, текислик.



45-расм. Алоҳида белгилар.

Билагузуклар ҳаёт давомийлигини, соғлиқни ва бахтни кўрсатади, деб ҳисобланади. Хиромантлар айтишича, ҳар бир яхлит чизиқ 30 йил умрни башорат қилади. Агар Билагузуклардан Зухра дўнглиги томонга текис чизиқ кетса ва унинг асосига етса (бош бармоқнинг биринчи эркин ташқи бўғини), бу ҳаётдаги катта муваффақият белгиси бўлиб хизмат қилади. Шунинг-

дек уларнинг эътирофича, биринчи билагузук соғлиқ, иккинчиси – бойлик, учинчиси – донишмандликнинг ҳолатига жавоб беради.

Агар биринчи Билагузук иккига тенг бўлинган ва заиф ифодаланган Зухра дўнглигида билакка қараб кетган бўлса, бу кўпинча бепуштлики билдиради. Агар билакда кўндаланг чизиқлар кўп бўлса, бу одамга бахт ҳамроҳ бўлишини англатади.

Юлдуз. Аҳамияти жиҳатидан бу белги хочга ўхшайди, лекин кўпроқ қизғинлик (интенсивлик)ка эга, баъзан эса тасодифни билдиради. Қуйидаги ҳолларда улар омадни башорат қилади.

Агар юлдуз Юпитер дўнглигида жойлашган бўлса, бу улкан ҳокимиятни ва шуҳрат топишни ваъда қилади. Қуёш дўнглигидаги юлдуз ижтимоий ҳаётдаги буюк мавқе, кутилмаган бойлик, яхши соғлиқни англатади.

Меркурий дўнглигида юлдуз нотиклик қобилиятига эга ва фан ҳамда савдода муваффақият кутаётган одамларда мавжуд бўлади. Зухра дўнглигидаги юлдуз қарама-қарши жинс вакиллари билан ҳамкорлик муваффақият келтиришни билдиради. Ой дўнглигидаги юлдуз машҳурликни башорат қилади.

Бироқ юлдуз ёмон белги ҳам бўлиши мумкин. Марс дўнглигида бу – олов, ёнғин, ўқдан яраланиш хавфи. Сатурн дўнглигида юлдуз бор одамларга катта бахтсизлик ва даҳшатли тақдир туфайли қайғули машҳурлик хавф солади. Чизиқ охиридаги юлдуз доим қандайдир кўнгилсизликни англатади. Ҳаммасидан ёмони бармоқлар ёстиқчаларидаги юлдуз: кўрсаткич бармоқда – мағрурлик, манманлик туфайли кулфатни, ўрта бармоқда – оғир тақдирни, сўфи бармоқда олов томонидан хавфни, жимжилоқда – ҳар қандай ишда омадсизликни билдиради.

Тўртбурчак (квадрат). Бу яхши белги ҳисобланади, яъни хавфни бартараф қиладиган, тақдирни енгилаштирадиган ҳимоя белгиси. У доимо ёмон башоратларни яхшисига алмаштиради. Масалан, агар Ҳаётнинг узилган чизиги тўртбурчак билан боғланган бўлса, унда оғир касаллик хавфи бутунлай хавфсиз бўлиб

қолади. Бироқ, Марс майдонидаги Тақдир чизиги ёнидаги квадрат озодликдан бироз маҳрум бўлишни башорат қилиши мумкин.

Нуқталар. Чизиклардаги нуқталар сайёраларнинг мувофиқ таъсирида қутилмаган воқеаларни билдиради (масалан, Юрак чизигида – катта ёки қутилмаган қайғуни, Тақдир чизигида тақдирни кескин ўзгартирадиган ҳодисани).

Оқ нуқталар – унчалик яхши бўлмаган, лекин нисбатан бўш белги. Ақл чизигида улар бир оз асаб чайқалишни башорат қилишлари мумкин. Ҳаёт чизигидаги нуқталар кучсиз бўлган касалликларни билдиради.

Қора нуқталар жиддий мусибатни, айниқса, касалликни кўрсатади.

Доирачалар. Бу аксарият ҳолларда муваффақиятнинг башорат қилувчи яхши белги ҳисобланади. Масалан, Юпитер дўнглигида – омад. Сатурн дўнглигида – яхшилик нишонаси. Аполлон дўнглигида – шон-шавкат ва бойлик. Юрак чизигида – яхши кўрган кимса қайтишини аңлатади.

Аммо айрим хиромантлар уни бошқа дўнгликларда намоён бўлишини салбий баҳолайдилар: Меркурий дўнглигида – молиявий таназзул ва заҳарланиб ўлиш. Зуҳра дўнглигида – сурункали касаллик. Ҳаёт чизигида – кўзлар билан боғлиқ муаммо. Юрак чизигидаги кўп доиралар – кучсиз юрак. Ақл чизигида – безовта тафаккур. Тақдир чизигида – ҳалокатли натижалар.

Ороллар. Чизикдаги орол, бу – оролга ўхшаш шакл: чизиклар тармоқлайди, унинг икки шохи алоҳида кетади, кейин бирлашади. Бу белги деярли ҳар доим у жойлашган чизикнинг башоратини ёмонлаштирадиган ноқулай белги. Ороллар, бу – тўсиқ, ғов.

Турмуш қурган аёлларнинг Тақдир чизигида у хиромантикада мойилликни, Юрак чизигида – юрак касалликларини, Ҳаёт чизигида жиддий касаллик, ожизликни, Муваффақият чизигида – хонавайрон бўлишни, мавқени йўқотиш хавфини, Саломатлик чизигида – соғлиқнинг ёмонлашишини, Ақл чизигида – руҳий касалликни билдиради.

Учбурчак. Бу деярли доимо яхши белги. Одатда ақлий меҳнатга бўлган фавқулотда қобилиятни англатади.

Юпитер дўнглигида жойлашган учбурчак дипломатик қобилиятларни билдиради, Сатурн дўнглигида – фанга қобилиятни ёки сеҳрга, замон сирларига, спиритизмга, магнитизмга, гипнозга ва ҳоказоларга мойилликни, Қуёш дўнглигида – соф санъатнинг жиддий илмийлик билан бирикувини, Марс дўнглигида – ҳарбий ишга қобилиятни, Ой дўнглигида – санъат сирларини тушуна олишни билдиради. Фақатгина Зуҳра дўнглигида учбурчак унчалик яхши белги эмас. Бу ерда у севги бобида эҳтиёткорликдан гувоҳлик беради.

Зина. Юпитер ва Сатурн дўнглигида – мансаб пиллапояларига жуда қийин кўтарилиш.

Зина шаклидаги Ҳаёт чизиғи – ипохондрия (ўзини касал деб ваҳимага тушиш ва шунинг натижасидаги асабий умидсизлик ҳолати). Зина шаклидаги Меркурий чизиғи – бизнесда муваффақиятсизлик ва касалликни англатади.

Занжир. Ҳаёт чизигининг бошида – ҳаракатсизлик ва касалликларга мойиллик. Ҳаёт чизигининг ўртасида – серзардалик ва кучсиз соғлиқ. Сатурн дўнглигидан занжир билан бошланган Юрак чизиғи – қарши жинс вакилини ёқтирмаслик. Ақл чизиғида – доимо зорланаётган инсон. Тақдир чизиғида – бегона инсоннинг ҳалақит беришини англатади. Аполлон чизиғида – фаҳш ва беадаблик. Меркурий чизиғида – пессимизм ва эҳтиёткорликнинг етишмаслиги. Никоҳ чизиғида – эгоистлик. Билагузукларда – кураш ва қашшоқликни кўрсатади.

Чўтка. Ҳаёт чизиғи чўтка билан тугалланса – тасодифий лоҳаслик. Юрак чизиғи чўтка билан бошланса – қисқа интригалар, ўзаро муносабатларнинг мутаҳкамлана бориши. Ақл чизиғи чўтка билан тугалланса – кутилмаганда хотирасидан маҳрум бўлиш. Аполлон чизиғи чўтка билан тугалланса – истеъдодларнинг беорга сарфланиши. Чўтка билан тугалланаётган Мер-

курий чизиги – ўз соғлиғига бепарволик, бу ҳалокатга олиб боради. Охирида чўтка шакли мавжуд бўлган Никоҳ чизиги – ҳиссиётсиз никоҳни башорат қилади.

Ўчирилган чизиклар. Сатурн дўнглигида – шон-шуҳратдан маҳрум бўлиш. Аполлон дўнглигидаги битта ўчирилган чизик – юқори мавқе ва машҳурлик. Аполлон дўнглигидаги иккита ўчирилган чизик – иккита кучли истеъдодни. Меркурий дўнглигидаги битта ўчирилган чизик – яхши тақдир. Юқори Марсдаги ўчирилган чизик – ҳаддан ташқари довюраклик. Юқори Марсда бундай чизикларнинг бир нечта бўлиши – шафқатсиз характер ва адоват. Ҳаёт чизигининг охирида – тасодикий ўлим. Юрак чизигида – доимий кўнглисизликлар. Аполлон чизиги охирида – бахтсизлик. Аполлон чизигининг ўртасида – безовталиқ ва стресслар. Ўчирилган чизик билан тугалланаётган Меркурий чизиги – эгаллаган мавқедан тушишни ва бойликни йўқотишни англатади.

Уч айрили найза. Юпитер дўнглигида жойлашган Ҳаёт чизигининг уч айрили найза билан бирга келиши – бахт ва омад. Уч айрили найза билан тугалланаётган Ақл чизиги – муваффақият ва ютуқ. Уч айрили найза билан тугалланаётган Тақдир чизиги – фантастик муваффақият. Аполлон чизиги уч айрили найза билан яқунланса – шуҳрат ва фаровон ҳаётдан далолат беради.

Ёндош (параллел) чизиклар. Юпитер дўнглигида – қатъийлик. Сатурн дўнглигида – пессимизм. Меркурий дўнглигида – бошқаларга ўхшамайдиган мижоз. Ой дўнглигида қўшилган параллел чизиклар – уйқусизликдан башорат қилади.

Панжаралар. Панжаралар, бу – ингичка чизиклар кесишувидан ҳосил бўлган шакллар. Ҳаттоки оддий тўртбурчакда бир нечта кесишган чизикчалар бўлса ҳам, буни панжара деб ҳисоблаш зарур. Кўпроқ бу ноиложлик, қизиқиш ва тўсиқ белгиси.

Панжаралар қўйидагиларни башорат қилади: Зухра дўнглигида – бузуқликнинг ҳар қандай кўринишини, Қуёш дўнглигида – ҳаддан ташқари мағрурликни,

баъзан ақлдан озишни, баъзан кучларни йўқотишни, Сатурн дўнглигида – муҳтожликни, офир ҳаётни, Юпитер дўнглигида – манманликни, улуғлик васвасасини, Меркурий дўнглигида – жиноятларга мойилликни, Марс дўнглигида – қўнгилсизлик, офат хавфини, Ой дўнглигида – ғам, ланжлик, безовталиқ, бетоблик, руҳий тутқинликни, аёлларда эса – жазагани.

Кафт қиррасида, Юрак чизиғи ва жимжилоқ асоси ўртасида деярли ҳар доим бир нечта чизиқчалар бор. Уларга қараб хиромантлар никоҳлар сонини ёки жиддий севги алоқаларини башорат қилганлар.

Бу чизиқчаларнинг ўта равшанлиги ва чуқурлиги алоқанинг кучи, мустаҳкамлиги ва давомийлигини кўрсатади.


ФАЛОКАТ БЕЛГИЛАРИ

Хавф солаётган хатарларни билиш ҳар доим жуда муҳим бўлгани учун бундай белгиларга алоҳида боб бағишладик. Ахир бу огоҳлантиришларнинг амалга ошиши қандай салбий оқибатларга олиб келишини бир ўйлаб кўринг. Фалокатга тайёргарлик кўриб, уни бар-тараф этиш осонроқ. Зеро, эҳтиёткорлик – ярим ҳаёт, демак.

Ўрта бармоқ остидаги хоч. Бу – ҳалокат белгиси. Қадимда уни ўлимга ҳукм қилиш билан баробар ба-ҳолашарди. Замонавий хиромантлар қатъий равиш-да бу фикрда эмаслар. Лекин бундай белгили одам ни-ҳоятда эҳтиёт бўлиши керак – унда фалокатга учраш имкониятлари кўпроқ. Айниқса, бу нарса турли хил бахтсиз ҳодисаларга тааллуқли.

Учта асосий чизиқнинг бир нуқтада бошлани-ши. Агар Ҳаёт, Ақл ва Юрак чизиқлари умумий бош-ланиш нуқтасига эга бўлишса, бу ҳам ҳалокат белгиси. Лекин бу белги билан тамғаланган одамга бахтсиз ҳодиса хавфли эмас. У ўзи ўзини ҳалокатга олиб бора-

ди. Одатда уни фақат ҳиссиётлар бошқаради, уларни деярли ақл билан бир даражага қўяди. Бу кўпинча фалокатга айла-нади.



46-расм. Ақл (Бош)
чизигидаги «қошиқ».

Зуҳра дўнглигидаги кичик хочлар. Ҳаёт чи-зигига жуда яқин жой-лашган Зуҳра дўнглиги-даги кичик хочлар одам ўз яқинларини йўқотиши мумкинлигини, шу билан бирга бу йўқотиш унга жуда кучли таъсир кўрсатишини англатади.

Жуда қисқа Ҳаёт чи-зиги. Узилган Ҳаёт чизиги

жисмоний ёки руҳий ўлим (фақат бундай расм (нақш) иккала қўлда ҳам бўлганда) рўй беришини билдиради.

Агар бундай белги фақат бир қўлда бўлса, одам маълум бир ёшда ҳаётий қувват олишдан тўхтади ва ривожланишдан қолади.

Ҳаётнинг узилган чизиги ҳам одам маълум бир вақтда ҳаётий қувват олмай қолишини, лекин қандайдир вақтдан кейин оқим давом этишини билдиради.

Ақл (Бош) чизигидаги «қошиқ» (46-расм). Бу алоғ-чалоғ тушлар ёки фикрларда намоён бўлувчи ақлдан озишнинг белгиси. Агар у чап қўлда бўлса – туғма, ўнг қўлда бўлса – орттирилган бўлади. Бу касалликни даволаса бўлади.

Ҳаёт чизигидаги пастга қараб кетадиган шох. Баъзи бир хиромантлар бу белги катта саёҳатни башорат қилади деб ҳисоблашади. Лекин кўпчилик бу операция талаб қиладиган жиддий касалликни билдиради деб ўйлашга мойилдир. Агар Ҳаёт чизиги шохлагандан кейин узилмаса, операция яхши ўтади. Бундай расм (нақш)га эга бўлган одамлар агар ўз соғлиқларини назорат қилиб, тўғри ҳаёт тарзини олиб борсалар, шохланиш йўқолиб кетиши мумкин.

Сўфи бармоқ юқори бўғинидаги панжара. Бу офир руҳий бузилишлар белгиси.

Ўрта бармоқ пастки бўғинидаги хоч. Бундай белги аёл қўлида бўлса, у бепуштлиқни башорат қилади: туғма касалликни англатувчи белги – чап қўлда, орттирилгани – ўнг қўлда.

Зуҳра дўнглигидаги хоч. Бу бахтсиз муҳаббат белгиси.

Зуҳра дўнглигидаги юлдузча. Агар бу белги бош бармоқ асосида жойлашган бўлса, бу бахтсиз муҳаббат ва омадсиз никоҳни билдиради.

Жимжилоқ бош бармоқдан калтароқ бўлиши мумкин. Жимжилоқ қанчалик калта бўлса, одам шунчалик ташқи таъсирдан кам ҳимояланган бўлади. Унга кинна кириш, кўз тегиш хавф солади, у атрофдагилар кайфиятини ўзи орқали ўтказиб бундан азият чекади.

Сўфи бармоқнинг кенг юқори бўғини. Бу белги у билан тамғаланган одамларга эмас, унинг шериклари учун хавфли. Бундай одам таваккалчиликка мойил, ўзини намоёйиш қилишга уринади, ўзига нисбатан улкан муҳаббат талаб қилади, шу билан бирга ўзини атрофдагилар қуввати билан таъминлайди.

Тақдирнинг узун чизиги. Агар Тақдир чизиги ўрта бармоққа кириб борса, тақдир бундай одамга ҳаддан ташқари бешафқат бўлади. Уни жуда кўп фалокатлар, қийинчиликлар ва жиддий тўсиқлар кутиб туради.

Ўрта бармоқ пастки бўғинидаги ёй. Бу кутилмаган бахтсизликлар ва фалокатлар белгиси. Бундан ташқари у хасисликни билдиради. Балки унинг бу икки маъноси ўзаро боғлиқдир!?

Сўфи бармоқ остидаги ёй. Бу белги ҳам унинг соҳибига эмас, балки атрофдагиларга хавфли. Бундай одамлар бошқалар учун хавф-хатар сабабчиси бўлиши мумкин.

Юрак чизиги тагидаги тўғри чизиқча. Агар бу кичкина чизиқча Юрак чизигидан аниқ пастга кетса, бирор яқин кишидан ёмонлик кутиш керак.

Юрак чизигидан қиялаб кетган чизиқча. Бу белги яқинлар орасида агар душман бўлмаса, унда ҳеч бўлмаганда, ичи қора одам борлигидан огоҳлантиради.

Ой дўнглигидаги квадрат. Хиромантияга оид қадимий китобларда таъкидланишича, бу белги яқин киши томонидан хавф борлигини англатади.

Зуҳра дўнглигидаги ёй. Бу белги никоҳни бекор қилиш хавфи борлигидан огоҳлантиради. Агар у ўнг қўлда бўлса – бу ўйлаб босилган қадам, чап қўлда бўлса – онгсиз қилинган иш.

Ҳаёт ва Ақл (Бош) чизиқлари орасидаги крестлардан иборат тўр. Бу белги соҳиб шунчалик қизиққонки, ҳамма нарсани ва ҳаммани унутиб, ақлини йўқотиб қўйиши мумкин.

Бўртиб турган веналар. Кучли бўртиб турадиган веналар одатда ҳаёти тўсиқларга бой одамларда бўлади.

Тирноқлардаги кичик ва катта чуқурчалар. Тирноқлардаги кичик чуқурчалар ёки уларнинг йўқлиги – моддаларнинг секин алмашинувидан дарак беради, жуда катталари тез алмашинувидан.

Тирноқлардаги узунасига ариқчалар. Бу одатда сурункали касалликлар борлиги белгиси, бундан ташқари у юрак касалликларига мойил.

Тирноқлардаги кўндаланг ариқчалар. Бундай ариқчалар одам яқинда юқумли касалликни бошдан кечирганлигини ёки ҳозирги пайтда касал эканлигини билдиради.

ИСТЕЪДОД, МОЙИЛЛИК, МАРТАБА

Қўлга диққат билан қараб, у ёки бу одамнинг бирор бир истеъдодга эга-эга эмаслигини, кўпроқ нимага мойиллигини, мартабага эришиш имкониятлари қанчалик даражадалигини, шунингдек, ундан нима кутиш мумкинлигини аниқлаш мумкин.

Юпитер дўнглигидаги N ҳарфи (47-расм). Бу бизнесдаги фавқулодда муваффақият белгиси. У доимий эмас: одам фаолиятсиз бўлганда, у йўқолиши мумкин, омад имкониятлари кўринганда, пайдо бўлиши мумкин.


Ички ҳис чизиги. Бу чизиқ жуда кам учрайди. Агар у аниқ ва текис бўлса, унинг соҳиби олдиндан кўра билиш ва сеза олиш қобилиятига эга. Баъзан у фақат чап қўлда учрайди. Бу одам ниманидир сезаётганини, лекин тушунтира олмаслигини билдиради.

Кўрсаткич бармоқнинг юқори бўғинидаги крест. Бу белги билан тамғаланган одамлар олдиндан кўра билиш қобилиятига эга.

Ақд (Бош) ва Юрак чизиқларини бирлаштирувчи кўприк (48-расм). Бундай одамларда ҳис-туйғу-



47-расм. Юпитер дўнглигидаги N ҳарфи.



48-расм. Ақд (Бош) ва Юрак чизиқларини бирлаштирувчи кўприк.



49-расм. Катта учбурчакдаги кичик учбурчак.



50-расм. Кўlining «сичқончаси».


лар онгдан устун туради. Яъни бундай белги соҳиби, масалан, оилавий бахтни мартабадан афзал билиши мумкин.

Катта учбурчакдаги кичик учбурчак (49-расм). Бу ўйламай қилинадиган жасурлик, қаҳрамонлик белгиси. Лекин унинг соҳиблари шавқатсиз бўлишлари мумкин.

Ҳаёт чизигини кесиб ўтадиган аниқ чизиқ. Бу холерикларга (қизиққон) одамларга хос белги. Шуниси қизиқки, унинг соҳиблари семиришга мойил эмаслар.

Ой дўнглигидаги ёй. Бу бефарқлик, одамовилик, мистикага ўта қизиқиш белгиси.

Ой дўнглигидан кўрсаткич бармоққа кетадиган Тақдир чизиги. Бу белги одамнинг бахт-саодати қарама-қарши жинс вакилининг кўмагига боғлиқ эканлигини англатади (масалан, фойдали никоҳдан далолат беради). Агар Тақдир чизиги иккита бўлса, шунингдек, бири – аниқ ва текис, иккинчиси – шакли ўзгарган бўлса, бу бундай белги соҳиблари ҳаётида кескин ўзгаришлар бўлишини – унинг тақдири мутлақо бошқача бўлишини билдиради.



51-расм. Билак расми.

Сўфи бармоқ асосидаги чизиқча. Бу белги анча катта эҳтимол билан мерос ваъда қилади.

Икки томони Ақд (Бош) ва Тақдир чизиқлари бўлган учбурчак. Бу белги билан тамғаланган одамлар пулни оғир меҳнат билан топадилар.

Ҳаёт чизиғи ёнидаги учбурчаклар. Бу осон топиладиган пуллар белгиси.

Кўрсаткич бармоқ сўфи бармоқдан узунроқ. Бундай бармоқлари бор одам ўсишга интилади, унинг учун мартаба жуда муҳим.

Юракнинг тўғри чизиғи. Бу чизиқ қанчалик тўғри бўлса, унинг соҳиби ҳис-туйғулар соҳасида шунчалик талабчан бўлади.

Сўфи бармоқ ва жимжилоқ орасидаги масофа. Бўшашган қўлни кўриб чиқиш керак. Масофа қанчалик катта бўлса, шунчалик одамнинг фикрлаши мустақил бўлади.


Қўлнинг «сичқончаси» (50-расм). «Сичқонча» – бош ва кўрсаткич бармоқлар ўртасида қафтининг та-шқи томонидаги дўнгча. Қанчалик у кучли намоён бўлса, организм шунчалик кўпроқ қаршилик кўрсатиш қобилиятига эга ва у ҳар хил инқирозларга шунчалик бардошли.

Билак расми (51-расм). Агар панжа қўлга силлиқ айланса, бундай одам доим ғамхўрликка муҳтож. Агар панжанинг қўлга айланиши анча кескин бўлса, одамга деярли ёрдам керак эмас. Ва бу айланиш қанчалик кескин бўлса, одам шунчалик мустақил.


БОЙЛИК, САВДОДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Қариллик остонасига қадам қўйган тўқсон фоиздан қўп инсонлар ўзини ё ҳеч вақога ярамайдиган, ёхуд барбод бўлиб тутагандек ҳис қилади. Саккиз фоиз эркаклар ва икки фоиз аёлларнигина молиявий жиҳатдан мустақил деб аташ мумкин бўлгани ҳолда фақат бир фоизгина аҳолини бой деса бўлади. Бунинг сабаби нимада? Ўша бир фоиз кишиларга бошқалар билмайдиган яна нима нарсалар маълум? Улар бошқалардан кўра ақлироқми? Маълумоти тузукроқми? Кўпроқ меҳнат қиладиларми? Ёки улар тақдирнинг эркатойлари бўлган оддий бахтиёр инсонларми? Бу саволлар мана неча асрлардан бери инсониятни ўйлан-тириб келмоқда. Хўш, бу борада кафтларимиз нималарни айта олиши мумкин?

Молиявий баркамоллик кафтларимиздаги чизиқлардан учта усул орқали аниқланади. **Биринчиси**, Аполлон (сўфи бармоқ) ва Меркурий (жимжилоқ) бармоқлари орасидаги кичкина чизиқ инъом тариқасида олинган ёки меросий мулк сифатидаги пулларни кўрсатади. Афсуски, бу белги бойликнинг қачон қўлга



52-расм. Ютуқди
учбурчак.



53-расм. Муваффақиятли
пул топиш учбурчаги.

киритиш вақтини ва миқдори борасидаги аниқ ахборотни бера олмайди.

Иккинчиси, Ҳаёт чизигининг негизидagi учбурчак нисбатан осон топиладиган пуллар рамзи. Учбурчакнинг бир тарафи – Ҳаёт чизигини кесиб ўтади, бошқа иккита томони эса иккинчи даражали чизиқларни ҳосил қилади. Шунинг эътиборга олинганда, мазкур белги доимо кўп миқдордаги пулларни башорат қилади (52-расм). Албатта, «кўп миқдордаги пул» сўзи инсоннинг заруратлари ва эҳтиёжидан келиб чиқиб айтилаяпти. Учбурчак лотереядан ютуқ чиқиши ёки муваффақиятли молиявий битимдан ҳам далолат бериши мумкин.

Учбурчак бекилганлиги ёки бекилмаганлигига диққат билан қаранг. Агарда бекилган бўлса, сизнинг қаршингизда пул тилининг билимдони турибди. У пулни нимага сарфлашни ва жамғарилган пулни қандай, қарда сақлашни билади. Агарда учбурчак очиқ бўлса, инсон пул топишни ҳам, сарфлашни ҳам, жамғаришни ҳам билмайди.

Одамларнинг аксарияти шахсий меҳнати эвазига маблағ топиши бизга маълум. Кафтининг марказида жойлашган кичкина учбурчак шундай инсонларнинг муваффақиятли пул топиш имкониятидан хабар беради (53-расм), бу инсонга бойликни кимдир томонидан инъом қилинишини аниқлатмайди.

Учинчиси, бой бўлишга тўла ишонч ҳосил қилиш учун бош бармоқнинг биринчи иккита бўғимларини кўздан кечиринг: бош бармоқнинг иккинчи бўғими узунлик бўйича биринчи (тирноқли) бўғимдан ошса, бундай инсон катта миқдордаги пулларни топа олмайди. Иккинчи узун бўғим инсон таваккал қилишдан қўрқшини аниқлатади, маълумки таваккал қилмасдан туриб бирортаям молиявий битим тузиш мумкин эмас.

Айрим хиромантларнинг таъкидлашича, бойлик ва савдодаги муваффақиятга эришишнинг энг машҳур белгиси адоғида юлдузи бўлган Қуёш (Аполлон) чизиқлари мавжудлигидир. Агар уни кафтингизда топсангиз, бойлик ва машҳурлик билан таъминлангансиз!

Шундай чизик бўлса, сиз нафақат пул ишлаб топа olasиз, балки ўз мақсадингизга етишда қатъиятга ва ва-зиятга ҳаққоний кўз билан қараш салоҳиятига ҳам эга бўласиз. Ўзингиз бошқарадиган корхона ёки ишни ташкил этиб, етти ўлчаб, бир кесган ҳолда, таваккалчиликдан қўрқмай ҳаракатни бошлайсиз. Одатда, бундай одамлар сира чарчамайдиган бўлиб, ишни тасодиф ҳукмига ташлаб қўймайдилар.

Қуёш чизигидан узоқлашиб, жимжилоққа йўналаётган чизик ишбилармонлик диди ва маҳоратини намоён этади. У тижорий, илмий, молиявий соҳадаги муваффақиятлардан дарак беради.

Юқоридаги ҳолатларда қўлаб хиромантлар тамонидан эътироф этилган энг ажойиб ва энг оддий молиявий белгиларини кўрдингиз. Бироқ кафтингизда ушбу расмларга оид бирортаям мутаносиб чизик ва белгини топмасангиз, сира ташвиш чекманг. Демак, кафтингизда моддий фаровонликнинг яққол кўзга ташланмайдиган, фақат энг малакали мутахассисгина кўра оладиган яширин индикаторлар мавжуд.

Пуллар билан боғлиқ ишлар ноҳуш кечиши мумкин бўлган айрим ҳолатларни санаб ўтамиз:

1. Кафтда ақл-заковат, ҳаёт, тақдир чизигининг узук-юлук бўлиши.

2. Ингичка, кўринар-кўринмас чизиклар (қувват йўқлиги).

3. Қисқа ёки нуқтали чизик билан акс этган бош чизик (менталь қувват етишмаслиги).

4. Ўта эгилувчан қўллар, орқага енгил букиладиган бармоқлар (исрофгарлик, беҳуда сарфлаш).

5. Ичига ботган кафтда ҳам пуллар қўп турмайди.

6. Қуёш ва Меркурийга ёндош ўзаро кесишган икки чизикдан иборат белги (моддий қийинчиликлар).

7. Ҳаддан зиёд қийшайган калта жимжилоқ.

ХАРАКТЕР ХУСУСИЯТЛАРИ Мижозингизни биласизми?


Агар унчалик таниш бўлмаган одам сизда ижобий таассурот қолдирган бўлса ва сиз танишувни давом эттирмоқчи бўлсангиз, у ҳақида иложи борица кўпроқ маълумотларни қисқа муддатда билиб олиш мумкинми? Бу жуда осон. Шунчаки унинг кафтига қаранг.

Бармоқлар бўғинларидаги ингичка вертикал чизиқлар. Бу ниҳоятда андишалилик белгиси. Бундай белги билан тамғаланганлар ҳеч қачон хоинлик қилмайдилар.


Катта «стол» (54-расм). Бундай одам ҳимматли, теран фикрга эга ва доимо соғлом фикрлайди. Агар стол юқорига қараб кенгайса – бу, бундан ташқари моддий фаровонлик белгиси.

Катта учбурчак (55-расм). Бу одамнинг қалби кўрсаткичи. Расм (нақш) қанчалик аниқ бўлса, қалб шунчалик соф ва тўғри, учбурчак қанчалик катта бўлса, шунчалик ҳимматлилик хислати кўпроқ бўлади.

Кичик учбурчак. Аниқ ва текис кичик учбурчак – бу зиёлилик, таълим олишга тайёргарлик ва, шунингдек, вазиятларга мослашиш белгиси.



54-расм. Катта «стол».



55-расм. Катта учбурчак.

Юпитер дўнглигидаги хоч. Юпитер дўнглиги хоч-ни ижобий белги деб қараш мумкин бўлган ягона жой. Бу ерда у катта севгини башорат қилади.

Ўрта бармоқнинг кенгайган юқори бўғини. Бундай белги билан одатда жиддий ва масъулиятли одамлар тамғаланган бўлади.


Бош бармоқнинг ингичкалашган пастки бўғини. Бундай бармоқли одамлар, одатда хушмуомала, ўзларини тута биладилар ва ҳеч қачон қўпол ибораларни ишлатмайдилар.

«Стол»даги кичик хоч (56-расм). Бу ҳалоллик ва виждонлилик белгиси.


Ўрта ва сўфи бармоқ ўртасидаги илмоқ. Бу белги соғлом идрок илмоғи деб аталади. Бу белги билан тамғаланган одамлар теран фикрга эгалар ва вазиятни тўғри баҳолай оладилар.

Ҳаётнинг қия чизиги. Бундай Ҳаёт чизигига эга одам бадгумон, вазмин, эҳтиёткор, вазиятни ақл-идрок билан баҳолай оладилар.

Юракнинг мутлақо тўғри чиғи. Бу белги соҳиблари рашкчи ва худбиндир.



56-расм. «Стол»даги кичик хоч.



57-расм. Нептун чизиги.

Меркурий чизиги Зуҳра дўнглигида бошланади ва Ҳаёт чизигини кесиб ўтади. Бундай расми одам йўлдан оздирадиган нарсаларга осон берилади.

Ақл (Бош)нинг мутлақо тўғри чизиги. Бу мустаҳкам мантиқли одамлар белгиси. Агар кафтда қандайдир салбий белгилар бўлса – бу шавқатсиз, худбин, кекчи одам.

Охирида кўтариладиган Ақл (Бош)нинг тўғри чизиги. Бундай белгили одамлар зўравонликка мойил.

Нептун чизиги (57-расм). Бу ноёб чизиқ масаласида хиромантлар турлича фикрлар билдиришади. Бир хиллари у алкоголизм ва гиёҳвандликка мойилликни англатади деб ҳисоблайдилар, бошқалари эса – кучли ривожланган ҳайвоний ҳис-туйғуларни билдиради дейдилар.

Нептун чизиги Ҳаёт чизигида бошланади. Бундай белгига эга одамлар шунчалик ўз ҳиссий эҳтиёжларига қарамки, улар учун ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ.

Зуҳранинг жуфт камари. Бу интизомсизлик, бузуқликка мойиллик белгиси. Агар қўл тўғри бурчакли, сертугун бармоқлари билан бўлса, бу асабийликни англатиши мумкин.

Бош бармоқнинг юқори бўғинидаги крест. Бу юқори даражадаги шахвоний фаоллик белгиси.

Сўфи бармоқнинг юқори бўғинидаги крест. Бундай белги билан тамғаланган одамлар ҳаддан ташқари очкўзлиги билан ажралиб турадилар.

Ой дўнглигига йўналтирилган Ақл (Бош) чизиги. Бу кучли ривожланган тасаввур белгиси. Бу билан тамғаланганлар таассуротчан, хаёлпарастликка, баъзан эса ёлғонга ҳам мойилдирлар.

Ақл (Бош) чизиги Ой дўнглигида тугайди. Бу ақлдан озиш билан тугаши мумкин бўлган тасаввур ва хаёлпарастликка мойиллик белгиси.

Ақл (Бош) чизиги Ҳаёт чизигидан алоҳида бошланади. Кафтида бундай расми борлар одатда ўзига

ишониши, тез қарор қабул қила олиш қобилияти билан ажралиб турадилар. Баъзан бениҳоя сурбет бўладилар.

Жимжилоқ остидаги хоч. Жимжилоқ остида жойлашган крест ёки юлдузча – ўғрилиқка мойиллик белгилари.

Кўрсаткич бармоқнинг ўрта бўғинидаги кўндаланг чизиқ ва **сўфи бармоқнинг ўрта бўғинидаги крест** – бу ҳасадгўйлик белгиси.

Кўрсаткич бармоқнинг пастки бўғинида жойлашган панжара. Бу белги билан тамғаланган одамлар ниҳоятда ахлоқсиздир.

Эрга тегиш (ўйланиш)нинг жуфт чизиғи. Агар Эрга тегиш (Уйланиш) чизиғи ингичка чизиқча билан такрорланса, бу никоҳдан ташқари алоқалардан дарак беради.

Эрга тегиш (Уйланиш) чизиғи жойида кўп сонли чизиқчалар. Бу енгилтаклик белгиси.

Зуҳра дўнглигидаги тўр. Бу белги соҳиби севгида беқарор.

Сўфи бармоқнинг ўрта бўғинидаги кўндаланг чизиқ. Бу белги бундай одам ўз истеъдодларини ривожлантира олмаслигини ва яна у ҳаддан ташқари рашкчи эканлигини билдиради.


Ақл (Бош) чизиғи Ҳаёт чизиғидан пастроқда бошланади. Бу одам ақлий ривожланиши паст эканлиги белгиси.

Учқур ўрта бармоқ. Бу белги одам масъулиятни ўз зиммасига олишни истамаётганини, унинг сўзлари ишларига тўғри келмаслигини билдиради.

Сўфи бармоқ жимжилоқ томонга оғишган. Бундай бармоқлар жиддий бўлмаган ва осонликча эришиш мумкин бўлган хиёнатга мойил одамларга таъриф бериши мумкин.

Бош бармоқнинг йўғон пастки бўғини. Бундай бармоқли одамлар одатда жуда қўпол бўладилар.

Бош бармоқдан пастга қараб тармоқлаган чизиқ. Бундай чизиқ ахлоқсизлик белгиси ҳисоблана-



58а-расм ва **58б-расм**. Зухра дўнглигидаги йўгон чизиқлар.

ди. Зухра дўнглигидаги майда чизиқчалар уни кучайтиради.

Зухра дўнглигидаги паралел чизиқлар. Агар бу чизиқлар кўприк орқали бирлашса, бу ўтакетган бузуқлик белгиси. Бундай одам ҳаттоки яқин кишилари билан жинсий алоқа қилишга ҳам рози.

Зухра дўнглигидаги йўгон чизиқлар (58а-расм). Бундай чизиқлар қарама-қарши жинс вакиллари орасида муваффақиятни башорат қилади. 58б-расмда кўрсатилган чизиқлар беришдан кўра олишни афзал биладиган одамни билдиради.

Жимжилоқдаги кўп сонли белгилар. Жимжилоқдаги ҳар қандай турли хил белгилар – ёлғончилик ва ўғриликка мойиллик белгиси.

Ўрта бармоқдаги ёй. Бу белги билан хасис одамлар тамғаланган.

Кўрсаткич бармоқ остидаги ёй. Аёл қўлидаги бу белги ҳомиладорликнинг кечки муддатидаги абортни англатади.

Эркакларда бу белги аёлни аборт қилишга мажбурлашни билдиради. Қадимги хиромантлар бундай ёйни бола ўлдириш белгиси деб ҳисоблайдилар.

ИЛОВАЛАР¹

1-илова. Омадли инсонларни кўрсатувчи белгилар тизими

1. Ақл ва Ҳаёт чизиқларининг охирги нуқталари орасидаги катта масофа – Омад бурчаги деб аталади, улкан муваффақият белгиси.

2. Қуёш чизиғи – оламшумул эътироф эҳтимоли.

3. Ақл чизиғидан Меркурий (жимжилоқ) бармоғига бо-
радиган ингичка чизиқ – кутилмаган пулларга эга бўлиш.

4. Мерос чизиғи.


5. Зуҳра дўнглигидан бошланиб Аполлон (сўфи) бармо-
гининг остида туговчи Омад чизиғи – кутилмаган бахт,
муваффақият.

6. Зуҳра дўнглигидан бошланиб Юпитер (кўрсаткич)
бармогининг остига тақалувчи Омад чизиғи – иш соҳаси-
да молиявий муваффақият.

7. Пулли учбурчак – у қанчалик катта бўлса, инсоннинг
молиявий куч-қудрати шунчалик юқори бўлади.

8. Нуқтали чизиқ (нуқта ёки узук чизиқчалардан ибо-
рат чизиқ) билан ажратилган Катта учбурчак (Омад уч-
бурчаги) – омадни ўзига жалб қилувчи инсон аломати.


9. Ҳаёт чизиғидаги учбурчак – иш ҳақи сифатида эмас,
омад туфайли топилган пулларни билдиради.



¹ Бу сифатларнинг ҳаммаси бир кишида намоён бўлавермайди.


2-илова. Ижодкор, топқир инсонларни кўрсатувчи белгилар тизими

1. Ички ҳис чизиги.
2. Ижодий бурилиш.
3. Ой дўнглигида тугалланаётган Ақл чизиги – оригинал ижодий ғоялар.
4. Кенг йирилган бармоқлар – олдиндан нотўғри тушунчага бормаиди, янги ғояларга қизиқади.
5. Бармоқлардаги айрилган доиралар – бошқаларга ўхшамайдиган ноёб шахс.
6. Кураксимон бармоқлар – омилкорлик, ишбилармонлик, тажрибакорлик.
7. Сертутун бўғинлар – ҳамма ишни ипидан игнасига режалаштиришга мойиллик.
8. Ақл ва Ҳаёт чизикларининг бошланиш жойида қўшилиши – бундай инсон аввал пухта ўйлаб, кейин иш қилади.
9. Бош бармоқнинг катта бурчаги – аввалдан нотўғри ўйга бормаиди, янги ғоялар тарафдори.
10. Кучли мантиқий тафаккур соҳибини билдирувчи бўғин.
11. Тажрибакорлик бурчаги – ғояларни амалиётда татибқ эта олиш қобилияти.




3-илова. Романтик инсонларни кўрсатувчи белгилар тизими

1. Кенг тўртбурчак – юрак ақлни бошқаради.
2. Аниқ ва ёрқин кўринадиган Юрак чизиги – севиш ва севилиш бахтига эга.
3. Қисқа Зуҳра ҳалқаси – эмоционал сезувчанлик.
4. Никоҳ чизигидаги айрилиш – севгининг романтик муҳити (гуллар, шароб, енгил мусиқа)дан роҳатланишга мойил.
5. Меркурий (жимжилоқ) бармоғининг узун юқори бўғини – сўзамоллик.
6. Узун жимжилоқ – киришимлилик.
7. Биринчи бўғин иккинчи бўғиндан узунроқ – севгида тўғри танловни амалга оширишда ёрдам берувчи кучли интуиция.
8. Юрак чизигининг охиридаги қўшимча чизик – умр йўлдоши билан ўзаро муносабатлар мустаҳкамлиги ва узоқ давом этиши нишонаси.
9. Юпитер (кўрсаткич) ва Сатурн (ўрта) бармоқлари орасида тугалланаётган букилган Юрак чизиги – юрак тубида яширин туйғуларни ҳам ифодалай олиш қобилияти.
10. Бош бармоқнинг кичкина бурчаги – минимум тўсиқлар ва чеклашлар.
11. Баланд (бўртиб турган) Зуҳра дўнглиги – жўшқин характер.



4-илова. Мижозни кўрсатувчи белгилар тизими

1. Кенг кафт – серғайрат, қатъий.
2. Яққол кўзга ташланиб турган Тақдир чизиги – омадлилик ва муваффақият.
3. Ижобий пул белгиси.
4. Текис чизиқ бўйлаб жойлаштирилган бармоқлар – вазминлик.
5. Меркурий (жимжилоқ) бармоғининг узун юқори бўғини – яхши ривожланган коммуникатив қобилиятлар.
6. Қаттиқ қўл – жисмоний қувват.
7. Кўрсаткич бармоқ сўфи бармоқдан узунроқ – такаббурлик.
8. Яхши ривожланган Юпитер дўнглиги – шуҳратпарастлик.
9. Ақл ва Ҳаёт чизиқлари бошда бирикмаяптилар – мустақиллик ва ўзига ишониш.
10. Бош бармоқнинг биринчи бўғини иккинчисидан узунроқ – мантиққа асосланиб иш кўришдан кўра иродасига кўпроқ таянади.
11. Йирик бош бармоқ – аниқ бир мақсадга интилувчан ва қатъиятли.
12. Тўғри катта ярим айлана ясовчи Ҳаёт чизиги – юқори серғайратлилик ва чидамлилик.



КИТОВДАГИ СЎЗЛАР ИЗОҲИ

Аполлон (Қуёш) – юнон мифологиясида Қуёш ва навқиронлик тангриси, санъат ҳомийси. Хиромантияда сўфи бармоқ асосидаги дўнглик ва ҳалқанинг номи.

Астрология – илми нужум; инсон тақдири ва тарихий ҳодисалар осмон жисмларининг вазиятига боғлиқ деб билган ва юлдузларга қараб фол очиш билан шуғулланган таълимот.

Билагузуклар – билакни ўраб турган чизиқлар.

Дўнглик – кафтда, бармоқларнинг асос жойида, кўзга ташланиб турувчи бармоқ дўмбоқчилари.

Зуҳра – қадимги Рим афсоналарида муҳаббат ва гўзаллик худоси. Қадимги Грецияда уни Афродита номи билан аташган. Хиромантияда бош бармоқ асосида жойлашган дўнглик Зуҳра (бошқача номи Венера) дўнглиги деб аталади.

Марс (Мирриҳ) – қадимги юнон ва римликларда урушлар худоси; қадимги Грецияда уни Арес номи билан атаганлар. Кемасозликда кема мачтаси тепасидаги кузатиш супчасини англатади. Хиромантияда кафт бўйлаб жойлашган учта (айрим манбаларда иккита) дўнгликнинг номи.

Меркурий (Аторуд) – қадимги юнон ва римликларда Меркурий худоларнинг вакили саналади. Қадимги Грецияда уни Гермес деб атаганлар. Хиромантияда жимжилоқ асосида жойлашган дўнглик номи.

Нумерология – инсоннинг тақдирини, руҳий кечинмалари ва ҳис-туйғуларини таваллуд санага, рақамларга қараб ўрганиш илми.

Оккултизм – дуохонлик, азайимхонлик, иссиқ-совуқ, афсун каби хурофотларга ишонтирувчи таълимотларнинг умумий номи.

Сатурн (Уторуд, Зуҳал) – қадимги юнон ва римликларда вақт худоси. У қадимги Грецияда Кронос деб юритилган. Хиромантияда ўрта бармоқ асосида жойлашган дўнгликнинг номи.

Физиогномика – юзнинг тузилиши ва чизиқларига қараб характерни аниқлаш илми.

Хирогномия – қўлларнинг ташқи кўриниши ва шаклига қараб характерни аниқлаш. Улар қўлнинг ташқи кўриниши ва узунлиги ҳамда айниқса бармоқларнинг ҳолатини ўрганадилар.

Хирология – инсоннинг характери ва фоз этиш мақсадида қўлларни таҳлил қилиш илми.

Юпитер (Муштарий) – қадимги юнон ва римликларда худоларнинг подшоҳи. Қадимги Грецияда уни Зевс деб аташган. Хиромантияда кўрсаткич бармоқ асосида жойлашган дўнгликнинг номи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **А.Дебарроль.** Тайны руки. Москва: Изд. дом МСП, 1996.
2. **Ричард Вебстер.** Полное руководство по хиромантии: Секреты чтения ладони. Москва: «ФАИР-ПРЕСС», 2005.
3. **Вильям Г. Бенхем.** Законы научного чтения руки. Москва: «Алетейя», 1998.
4. **А.В.Десни.** Твоя ладонь. Руководство по практической хиромантии. Москва: «Вперед г.Сани», 1999.
5. **М.Катаккар.** Тайные линии судьбы. Современная хиромантия. Москва: АСТ, 2007.
6. **Н.М.Клементьева.** Мини-энциклопедия. Хиромантия. Москва: «Астрель», 2006.
7. **А.И.Тевако.** Научная хиромантия. Серия: Мир медицины. Москва: «Эксмо», 2008.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Қўллар сизнинг кимлигингизни «айтади»	7
Қўл бўйлаб қисқа «саёҳат»	10
Бармоқлар	19
Бўгинлар	26
Тирноқлар	27
Кафтдаги дўнгликлар (бўртиқлар) – феъл-атворингиздан дарак беради	30
Чизиқлар сўзлайди	37
Иккинчи даражали чизиқлар	54
Алоҳида белгилар	67
Фалокат белгилари	74
Истеъдод, мойиллик, мартаба	78
Бойлик, савдодаги муваффақият	82
Характер хусусиятлари. Миջозингизни биласизми?	85
Иловалар	90
Китобдаги сўзлар изоҳи	94
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	95

Илмий-оммабоп нашр

Инсонни ўрганиш илми

КАФТДАГИ СИРЛАР ЁХУД ХИРОМАНТИЯ

Муҳаррир: Анвар НАМОЗОВ

Мусаҳҳиҳ: Маъмура ҚУТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи: Феруза БОТИРОВА

Босишга 05.02.2013 й.да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 3,0. Шартли босма тобоғи 4,9.

Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb». Газета қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 33. Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АИ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«AL-ALKOMTRADE» босмаҳонасида босилди.

Тошкент, Чилонзор кўчаси, 1а-уй.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида муқоваланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 273-62-71; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru